БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 февраль Сешанба № 40 (13 476). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Куч-ғайратларни бирлаштириш — қайта қуриш муваффақиятининг гарови

24 февраль куни Тошкентдаги В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройига СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари, корхоналар ва муассасалар, партия ташкилотлари, маҳалла ва уй-жой комитетлари, ўқув юртларининг вакиллари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари келишди.

Кенгашни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов доклад қилди. (Доклад газеталарда эълон қилинди).

Докладни муҳокама қилишда маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириб турувчи шаҳар кенгашининг раиси, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори Қ. Ф. Фозилхўжаев, 9-туғруқхона гинеколог врачи С. Н. Дудина, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари Р. Абдуқодиров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори А. П. Қаюмов, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети партия комитетининг секретари Р. Ҳ. Набиулин, Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг милиционери К. С. Азизов, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси А. Юсупов иштирок этдилар.

Қайта қуриш кенг жамоатчиликни ҳаракатга келтирди, деб таъкидлашди нотиқлар. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг осон кўчмаётган жараёни бормоқда. Хўжалик ташаббуси ва омилкорлик учун кенг майдон очилмоқда, барча халқлар, республикалар ва регионларнинг чинакам мустақиллиги учун кафолатлар пайдо бўляпти. Одамлар янгиланиш бўлишини истайдилар, яхши меҳнат қилишни ва шунга яраша яхши яшашни истайдилар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ҳозир умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган, бу дастур совет жамиятини демократиялашнинг янги имкониятларини очади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, шунингдек, маҳаллий Советлар депутатларига куни кеча бўлиб ўтган сайлов бунга бир мисол бўлиб хизмат қила олади. Мураккаб шароит, ижтимоий ҳаётдаги жўн бўлмаган муҳитга қарамай, сайлов бутун республикада уюшқоқлик билан, омманинг юксак гражданлик фаоллиги руҳида ўтди. Сайловда сайловчиларнинг 90 фоизидан кўпроғи иштирок этганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Натижада ҳокимиятнинг барча органлари, яъни Ўзбекистон ССР Олий Советидан то қишлоқ Советигача ҳамма ана шундай органлар асосан шакллантирилди.

Кенгашнинг вазифаси эса ҳозир, сайловдан кейиноқ Тошкентдагина эмас, бутун республикада, бутун мамлакатда барчани ҳаяжонга солиб турган, одамларни безовта қилаётган ҳаётий, жуда долзарб масалаларни яна бир карра муҳокама қилишдан иборат. Бу ўринда гап аввало ҳар бир депутатга ва бутун совет ҳокимиятига халқ томонидан берилган бош наказнинг сиёсий мазмуни, маънавий, умуминсоний моҳияти ҳақида: интизом ва тартибни таъминлаш, ижтимоий ва миллий мансублигидан қатъи назар одамларнинг — қайси регионда, қайси шаҳар ёки қишлоқда яшаётганидан қатъи назар ҳар бир кишининг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида бормоқда.

Шу нарса маълумки, жамиятга қарши, жиноятчи унсурлар бизни миллатлараро муҳолифлик, ўзбошимчалик ва тартибсизлик йўлига итариб юборишга уринмоқдалар. Бу қандай оқибатларга олиб келишини Кавказорти, Фарғона, Душанбе, бошқа регионлардаги воқеалар кўрсатиб турибди. Жўн бўлмаган муаммоларни митинглар ва иш ташлашлар йўли билан эмас, балки амалий ишчан ёндашувлар асосида ҳал этиш мумкин ва керак. Ғаламислар ва жиноятчиларга кескин зарба бериш, қайта қуришни улардан ҳимоя қилиш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур.

Халқ ҳокимияти органлари бўлган Советлар ҳамда халқнинг хоҳиш-иродаси билан сайланган ва унинг ваколатли намояндаси бўлган ҳар бир депутат меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари, ташвишлари ва манфаатларига ҳамиша ҳамнафас бўлиб яшасагина ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этиши мумкин. Агар кенгроқ маънода қиладиган бўлсак, бу ўринда гап кучларни бирлаштириш, партия, совет, давлат органларининг аҳоли билан, гражданларнинг барча жамоатчилик тузилмалари ва уюшмалари билан мустаҳкам алоқаси тўғрисида бормоқда. Яъни, муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг турмушини яхшилашга, вазиятни барқарорлаштиришга астойдил ёрдам беришни истаётган, ўзаро ғанимлик, ёвузлик ва зўравонликка қарши чиқаётган барча кишилар билан ана шундай алоқа қилиш тўғрисида борялти.

Халқ депутатлари шуни ҳаммадан кўра яхшироқ ўқуб олишлари керакки, агар бизнинг ўзимиз ўз хонадонимизда тартиб ва интизом ўрнатмасак — бунинг учун эса СССР Олий Совети яқинда қабул қилган Баёнотни ҳисобга оладиган бўлсак Советларда барча асослар барча қонуний ва ҳуқуқий имкониятлар бор — у ҳолда ўша депутатларимиз халқ ишончидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўла олмайдилар.

Ҳозир республика ҳал қилувчи маррададир. Одамлар нормал яшашни истамоқдалар, вазиятни барқарорлаштириш, ҳар бир кишининг хавфсизлигига кафолат бўладиган жамоат тартиби ўрнатиш тарафдоридирлар. Шу яқин орада бунга эришиш учун имкони бўлган барча ишларни қилиш — барча халқ депутатларининг муқаддас бурчидир.

Кенгаш қатнашчилари республика аҳолисига мурожаатнома қабул қилдилар. Ўткир иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммоларни ва бошқа муаммоларни, деб таъкидланади мурожаатномада, ишга астойдил киришиб миллатлараро муносабатларни, ҳуқуқ-тартиботни ва интизомни мустаҳкамлаш йўли билангина ҳал этиш мумкин.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎЗТАГ).

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегати

У фанларни эълога ўзлаштиради. Дўстларига, мураббийларига, умуман барчага меҳр-оқибатли. Қалбидан фақат ёруғ орзуларгина ниш уради. Комсомол ва жамоат ишларида ҳам фаол.

Самарқанд вилоятининг Хатирчи ноҳиясидаги 16-ўрта мактабнинг 11-«Б» синф ўқувчиси Саодат Пўлканова ҳақида шундай дейишади.

Фаол бўлсанг, ташвиш устига ташвиш қўшилаверараркан. Саодат яқинда яна бир «ташвиш» орттирди. Уни ВЛКСМнинг XXI съездига делегат қилиб сайлашди. Лекин бунинг ширин ташвиш. Дўстлари, қолаверса бутун вилоят комсомол-ёшларининг ишончи жо бўлган масъулиятли ташвиш бу. Аслида мана шу ишончнинг ўзи сен учун бир бахт эмасми Саодат!

Суратга қаранг-а, фикрларимизни тасдиқлаётгандай у. Яна Саодат ўзини имтиҳон қилаётгандай гўё...

Сурат муаллифи Валижон МУҚИМОВ.

СССР, Ўзбекистон ССР, Тошкент шаҳридаги маҳаллий Советлар халқ депутатларининг, маҳаллалар ва сайловчилар жамоатчилигининг республика аҳолисига

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар!

Республикамиз, бутун мамлакат қийин даврни бошидан кечирмоқда. Революцион қайта қуриш барча меҳнаткашларда сиёсий турмушда фаолликни қўзғатди, кенг ижтимоий кучларни ҳаракатга келтирди.

Ўтмишни танқидий идрок этиш давом этмоқда, барча эски, умри тугаган нарсаларни, инсонни камситадиган, унинг яхши меҳнат қилишига ва хизматига яраша яхши яшашига ҳалақит берадиган ҳамма нарса улоқтириб ташланмоқда. Сиёсий ва иқтисодий системаларни тубдан ислоҳ қилиш, миллий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда туб ислоҳотлар ўтказиш каби қийин жараёнлар давом этмоқда. Бу ислоҳотларни ўтказишдан мақсад ҳар бир меҳнатчи ва коллективнинг хўжалик соҳасидаги ташаббуси ва омилкорлигига йўл очиб беришдан, барча халқлар, ҳамма республикалар ва регионларнинг чинакам мустақиллигига кафолатни вужудга келтиришдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг умумпартия, умумхалқ муҳокамасига қўйилган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури бунинг учун янги имкониятлар очиб беради. СССР халқ депутатларининг Съездларида, мамлакат Олий Советининг сессияларида жамиятимизнинг янги — инсонпарвар ва демократик қиёфасини белгилаб берадиган муҳим қонунлар муҳокама қилинмоқда.

Қайта қуриш қийинчиликларсиз ва зиддиятларсиз ўтмайди. Турли ижтимоий табақалар ва гуруҳларнинг, миллий муддаоларнинг қаттиқ тўқнашуви юз бермоқда, миллатлараро муносабатларда чигалликлар вужудга келмоқда. Тўпланиб қолган, кўп жиҳатдан қийин муаммоларнинг ечимини фақат қонунийлик, демократия ва ошкоралик йўлидагина излаб топиш мумкин. Бунинг учун бошқа усулнинг ўзи йўқ. Бошқа йўл — анархия ва бошбошдоқлик, муҳолифлик ва бузғунчилик бўлиб, бундан ҳеч ким наф кўрмайди, аммо ҳамма ютқазади.

Жамиятга қарши, жиноятчи шахслар бизни ана шундай ҳалокатли йўлга итаришга уринмоқдалар. Улар миллий туйғулардан, қайта қуришнинг қийинчиликлари ва мураккабликларидан ўз гаразли мақсадларини кўзлаб фойдаланиб, ғаламислик, мақсадлари йўлида демократия ва ошкораликдан фойдаланиб, партияга, армияга совет тузумига туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирмоқдалар. Тартибсизликлар уриқитлар, зўравонлик қилишни келтириб чиқаришга уринмоқдалар. Кавказортидаги, Фарғона ва Душанбедаги, бошқа регионлардаги фожиали воқеалар ўзларини халқ ва озодлик учун курашчи қилиб кўрсатишга уринаётган кишиларнинг ниқобини йиртиб ташлади, уларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатди. Улар ўзларини панага олиб, зимдан ҳаракат қилиб, чиниқмаган ёшларни уриқит ва жиноят қилишга ундамоқдалар, фарзандларимизнинг тақдирини ва қалбини мажруҳ қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига мурожаатномасида жуда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, бизи ҳар қандай сафсатабозлар ва сиёсатбозларнинг демократияга зид, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига, уларнинг миллий нифоқни, ижтимоий душманликни авж олдиришларига, жамиятда жаҳолат ва шафқатсизликни, ташвиш ва ишончсизликни вужудга келтиришга уринишларига тоқат қила олмаймиз ва тоқат қилмаслигимиз керак.

Биз — депутатлармиз. Республика меҳнаткашлари — ишчилар ва деҳқонлар, хизматчилар ва зиёлилар, ветеранлар ва ёшлар, Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларга мансуб кишилар бизни сайлаб бу билан бизга ишонч билдирдилар, катта ваколатлар ва ҳокимиятни бердилар. Лекин шу билан бир вақтда зиммамизга республика тақдири учун, шаҳарларимиз ва қишлоқларимизда тинчлик ва осойишталик бўлиши учун, одамларнинг хавфсизлиги, ҳар бир кишининг қадр-қиммати ва шаъни учун юксак масъулиятни ҳам юкладилар.

Халқ бизга берган асосий наказ — тартибсизликларга, одамларнинг нобуд бўлишига ва вайронагарчиликларга йўл қўймасликдан, интизом ва жамоат осойишталигини таъминлашдан, сиёсий ғаламисларнинг, порага учган жиноий кучларнинг фарзандларимиз тақдири билан ўйнашишига йўл қўймасликдан иборат.

Бу эса зиммамизга демократия билан митинг сафсатабозлигини, ошкоралик билан туҳматни, эркинлик билан анархияни аниқ фарқлай билиш вазифасини юклайди. Биз одамларнинг фаоллигини ва ғайратини бунёдкорлик йўлига солишимиз керак. Биз СССР Олий Совети Баёнотига мувофиқ, қайта қуришни ҳимоя қилиш учун, асрий инсоний қадриятларимиз — дўстлик, яхши қўшничилик, меҳмондўстлик ва эзгуликни асраб қолиш учун халқ бизга берган ҳокимиятдан фойдаланишимиз шарт. Мамлакатимиздаги бошқа халқлар каби ўзбек халқи ҳам азалдан ана шундай фазилатлари билан ном чиқарган.

Республикада мураккаб муаммолар кўп, халқимизнинг катта бунёдкорлик ишлари кўп. Биз республикамизни иқтисодий ва ижтимоий қолоқликдан чиқариб, аҳоли барча табақаларининг турмуш даражасини оширишимиз, миллионлаб одамларни иш билан ва нормал иш ҳақи билан таъминлашимиз, ўткир экология муаммоларини ҳал қилишимиз, ёшларимизнинг таълим олиши, маънавий ва жисмоний камол топиши учун шароит яратишимиз, халқимизнинг ажойиб маданий анъаналарини мустаҳкамлашимиз ва кўпайтиришимиз лозим. Республиканинг иқтисодий мустақиллигига, ўзини ўзи бошқариши ва ўз харажатларини ўзи қоплашига қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш зарур. Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди дастурида ана шу ва бошқа вазифалар аниқ белгилаб берилган бўлиб, уларни ҳар биримиз ўз шахсий сайловолди программаларимизга асос қилиб олганмиз.

Бу дастурни бажариш учун ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кўп иш қилинмоқда. Пахта учун қўшимча ҳақ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ана шу ва бошқа харид нархларини ошириш юзасидан қатъият билан олиб борилаётган ишлар, қишлоқ меҳнатчилари шахсий ёрдамчи хўжаликларини юритишлари ва якка тартибда уй қуришлари учун уларни кенгайтирилган томорқа участкалари билан таъминлаш, кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногиронлар ва пенсионерларга ёрдам, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ва бемор ҳомиладор аёлларга бепул овқат, ётоқхоналар етишмаслиги сабабли шахсий квартираларда яшашга мажбур бўлган студентларга квартира ҳақининг бир қисмини тўлаш, шаҳар ва қишлоқларни, жумладан, Тошкентни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш, истеъдодли ёшларимизни ўқиш учун мамлакатнинг энг яхши олий ўқув юртларига ва илмий марказларига юбориш, ўзбек тилига давлат мақомини бериш ва халқнинг севимли «Наврўз» байрамини тиклаш ана шулар жумласидандир.

Лекин булар дастлабки қадамлар, холос. Олдинда катта ва кенг миқёсли ишлар турибди. Бу ишларни муваффақиятли бажариш учун бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон меҳнаткашларига ҳам осойишталик ва тартиб, интизом ва уюшқоқлик зарур. Ана шу осойишталик ва тартибни, интизом ва уюшқоқликни таъминлаш бизнинг энг асосий бурчимиз ва жуда муҳим вазифамиздир.

Биз барча халқ депутатларини, барча партия, совет, давлат идораларини, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларини, республиканинг барча соғлом кучларини, республиканинг бутун аҳолисини қонунга қатъий риоя этишга, ифвогарлар ва жиноятчиларга қатъиян зарба беришга, қайта қуришни улардан ҳимоя қилишга, ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлашга, интизом ва жамоат тартибини мустаҳкамлашга, тинч меҳнат ва тинч ҳаётни таъминлашга даъват этамиз, тинч турмушни ва Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларнинг фаровонлигини таъминлаш учун ҳамма ишни қилишга чақирамиз.

ПАХТА ЎРНИГА МАРЖУМАК

Карл Маркс номли совхозда пахта майдонларининг бир қисмига маржумак экила бошланди. Бу ерлик механизаторлар 200 гектар майдонга ана шу экинни экдилар. Бундан буён совхоз маржумакнинг энг сара уруғлигини етиштиришга ихтисослашади. Бу ернинг шароитида ундан йилига икки марта ҳосил олиш мумкин.

Қашқадарёнинг Шаҳрисабз ноҳиясидаги чоғроқ участкаларда маржумак илгари ҳам етиштирилган эди. Энди у вилоятнинг жанубий ноҳияларида ҳам экила бошланади. Келажакда бу экин етиштириладиган майдонлар янада кенгаяди.

(ЎзТАГ мухбири).

Кунн кеча СССР, Ўзбекистон, Тошкент шаҳар маҳаллий Советлари депутатлари, маҳалла ва сайлов жамоатчилигининг жумҳурият аҳолисига Мурожаатномаси эълон қилинди. Унда айтиб ўтилганидек, қайта қуришнинг ҳозирги мураккаб босқичида ўйламай босилган ҳар бир қадам, хато маънавий ва, айниқса, иқтисодий жиҳатдан жуда қимматга тушмоқда. Бу ўринда иқтисод сўзига бекорга урғу берганимиз йўқ. Жумҳуриятимиз келаси йилдан тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтади. Ҳавога совурилаётган ҳар бир сўмдан кимга фойда-ю, кимга зарарлиги тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола муаллифи — Ўзбекистон ССР Давлат план қўмитаси хўжалик механизми, планлаштириш ва бошқарувни такомиллаштириш бўлимининг бошлиғи Ш. Р. ҒАФУРОВ ана шулар ҳақида фикр юритади.

Мамлакатимиз қайта қуришнинг мураккаб босқичини бошдан кечирмоқда. Иқтисодий ислоҳот ўзига қийинчилик билан йўл очмоқда. Халқимиз фаровонлигини ошириш соҳасида олдимизда мураккаб вазифалар турибди. Фирқа ва бутун халқ депутатлари Советлари системасини янгилаш бўйича олиб бораётган ишимизда масъулиятли давр бошланди. Жумҳуриятимиз оғир аҳволда. Меҳнаткаш халқимиз табиий иқлим шароити бўйича жуда қулай ҳудудда яшаш билан бирга, турмуш даражасида Иттифоқда сўнгги ўринлардан бирини эгаллайди.

Мана шундай оғир шароитда, биз юзага келган вазиятдан қутилиш йўлларини излаётган бир пайтда, айрим кишилар ўз хатти-ҳаракатлари билан аҳволни янада мушкуллаштирмоқдалар. Мен сунъий равишда авж олдирилаётган миллатлараро низоларни назарда тутаяпман.

Биз Кавказортида бўлаётган воқеаларни хавотир билан кузатмоқдамиз. Инсонлар қурбон бўлиши, жамиятимиздаги маънавий йўқотишларни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, албатта. Бироқ бу низолар туфайли кўраётган иқтисодий зararимизни ҳисоблаб чиқишимиз мумкин ва зарур. Негаки, мамлакатимизни ягона умумий халқ хўжалиги доирасида, жумҳуриятлараро меҳнат тақсимоти шароитида Иттифоқимизнинг қайси ерида низо бўлишидан қатъи назар, бутун мамлакат иқтисодиётига, бошқа жумҳуриятларнинг, улар аҳолиси, меҳнат коллективларининг муваффақиятларига ҳалокатли таъсир кўрсатади.

Масалан, Кавказортида вазиятнинг барқарорлашиши жумҳуриятимиз билан кўп йиллар давомида йўлга қўйилган ширкат муносабатларига катта таъсир кўрсатганлиги борасида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Арманистон ССРнинг бир қатор корхоналари жумҳуриятимиздаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатига режалаштирилганидан 145 тонна молибден концентрати кам юборган. Бунинг натижасида 1,6 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот олинмай қолди. Бундан ташқари Арманистон компрессор заводи белгиланган тўртта кам компрессор, Озарбайжон кондиционер заводи ва «Азэлектротерм» 20 та кондиционер ва 9 та СТПУ печи етказиб бермади.

Озарбайжон ССРнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цехга ўз мажбурияти бўйича асбоб-ускуналар етказиб беришни барбод этганлиги туфайли Олмалиқ конметаллургия комбинати қувватларини ишга туширишни 1990 йилдан 1991 йилга ўтказишига олиб келди.

Ереванда ги «НАЭРИТ» ва Озарбайжондаги «Сумагитхимпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари зарур миқдорда хом ашё — каучук етказиб бермаганликлари учун «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси 150 минг сўмлик маҳсулот етказиб бера олмади, 40 минг сўмлик даромадни бой берди, иш вақтини йўқотиш 521 киши-соатини ташкил қилди.

Бокудан шиналар етказиб бериш тўхтаб қолганлиги туфайли Тошкент агрегат заводида фақат 1989 йилнинг 4 кварталида ва 1990 йилнинг январида 400 минг сўмлик маҳсулот олинмай қолди. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Степанакертдан 1,4 миллион дона конденсатор ола олмади, натижада 9,6 миллион сўмлик маҳсулот ва 2,6 миллион сўмлик фойда бой берилди.

Маълумки, 1988 йил декабридаги зилзиладан кейин Арманистонда бутун мамлакат, жумладан, жумҳуриятимизнинг қурилиш ташкилотлари ишламоқдалар. Бу совет халқларининг байналмиллаллик, қардошлик кўринишн, бироқ бу ерда миллатлараро низоларнинг давом этаётганлиги ва темир йўлларни тўсиб қўйилиши бошпанасиз, оғир шароитда бўлган кишиларга ёрдам кўрсатишга ҳалақит бераяпти. Натижада Арманистоннинг Ахурян ноҳиясида иш олиб бораётган Ўзбекистон ССРнинг қурилиш ташкилотлари 1989 йилда 8,8 миллион сўмлик пудрат ишларини кам бажаришга олиб келди. Ўтган йили фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 59 минг квадрат метр уй-жойнинг бор-йўғи 32,1 минг квадрат метри ёки 54 фоизи фойдаланишга топширилди, холос. Озарбайжон ҳудудидаги темир йўл ёпиб қўйилганлиги туфайли йўқотилган 107 минг сўмлик моддий қиймат «Узагрострой»га ёзилган.

Шу йилнинг январида «Узагрострой» ва «Госкомводстрой» ташкилотлари Арманистон ҳудудида 400 минг сўмлик пудрат ишларини бажара олмадилар.

Фарғона воқеалари ўзбек халқининг айби билан бўлмаган, албатта. Бироқ, бу низолар оқибатлари учун ўзбек халқи жавоб беришига тўғри келяпти. Бу туфайли биз фожианинг асосий айбдорларни топиб, уларни жавобгарликка тортишимиз керак. Фарғона вилоятида жазаваси тутган уриқитларнинг бебошлиги туфайли 125 миллион сўмлик моддий зарар кўрилди, 150 минг ишчи куни — иш вақти йўқотилди. Саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларида 15 миллион сўмдан кўпроқ маҳсулот олинмай қолинди. Андижон вилоятининг ўзидаги моддий зарар 3 миллион сўмни, Наманган вилоятидаги моддий зарар 4,5 миллион сўмни ташкил қилди. Шунга мувофиқ 1,4 минг ва 2,6 минг киши-куни йўқотилди.

Қувасой цемент заводида 37 миллион дона шартли шифер плитаси ишлаб чиқилмади, 2 миллион сўм фойда бой берилди, 500 киши ёки ишчиларнинг учдан бир қисми жўнаб кетишди.

Фарғонадаги газ аппаратлари заводида 1697 киши-куни йўқотилди, ошхона ёқиб юборилган, 43 та газ плитаси йўқ қилиб ташланган.

Андижон вилоятида 2167 автобус рейси тўхтатиб қўйилган, Фарғона вилоятида 23 автобус пачақланган.

Вазиятнинг кескинлашуви, экстремистларнинг очиқдан-очиқ чиқишлари туфайли ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш мақсадида портлаш хавфи бўлган ишлаб чиқаришларни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлинди. Шу сабабдан ўтган йили июнь ойида Қўқон ёғ-мой комбинати икки кун ишламади. Натижада 194 минг сўмлик кам маҳсулот олинди, 275 тонна ёғ, 800 тонна шрот ва 325 тонна шелуха етказиб берилмади.

Фарғона воқеалари натижасида жумҳуриятимиздан РСФСРга 29,1 минг месхети турклари кўчиб кетишди. СССР Министрлар Советининг 1989 йил 26 июндаги 503-қарорига мувофиқ улар ишларини йўлга қўйиб олишлари учун ёрдам тариқасида давлат бюджети ҳисобидан бир пайтнинг ўзида оила бошлиғига 2000 сўм ва аъзоларига 500 сўм миқдорида ёрдам пули тўланди. Кўрсатилган мақсадга тўланган маблағ 18 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Бундан ташқари жумҳурият ва маҳаллий бюджетдан қариб 42 миллион сўм, шу жумладан йўқотилган мулкка тўлов сифатида 12,1 миллион сўм, вайрон бўлган уй-жойларни тиклаш ва турар-жойлар сотиб олишга 11,9 миллион сўм, моддий ёрдам тариқасида 5,2 миллион сўм, ташкилот ва муассасаларга ишдан чиқарилган моддий бойликларни тиклаш, жароҳатланганларга ва ички қўшинларнинг шахсий таркибига овқатланиш, шунингдек, транспорт ҳаражатларига 11,6 миллион сўм сарфланган.

Биз доимо бундай воқеалар, гиж-гижлашлар, меҳнаткашлар руҳиятига, ишлаб чиқаришга, жумҳуриятимизнинг бусиз ҳам мураккаб бўлган иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатишини унутмаслигимиз зарур. Агар жумҳуриятимиз ҳаёт ҳўжалигида бир кун иш тўхтаб қолгудек бўлса, 93 миллион сўмлик саноат маҳсулоти, 2,6 минг тонна нон, 1,5 миллион квадрат метр газлама, 144 минг жуфт пойабзал, 2,3 минг тонна сут, 680 тонна гўшт ва бошқа такчил маҳсулотлар етказиб берилмаган бўлар эди. Бундан ким манфаатдор? Ҳар ҳолда халқ эмас!

Бизнинг ҳар биримиз миллатлараро низонинг, олдиндан айтиш қийин бўлган оқибатларга олиб келадиган, муҳитни барқарорлаштиришга ким даъват этаётганини, бу эса кўпдан-кўп қурбонлар беришга олиб келишини англаб етмоғимиз зарур. Айниқса, ҳозир ҳар бир мураккаб нсталган масалани даврa столи атрофида тинч, амалий, оғир муҳитдан чиқиб олиш учун соғлом кучларни бирлаштириш асосида ҳал этиш мумкин бўлган пайт.

Миллий низоларни авж олдираётган кишиларни эса халқ ҳўжалигига етказган моддий зарарлари учун қонуний жавобгарликка тортиш керак. Бу, бизнингча, халқларнинг байналмилал дўстлиги, социализм принципларига тўла мос келади.

Долзарб мавзу

Низонинг қиммати

Тошкент ГРЭСи марказий бошқарув пункти энг замонавий техникалар билан жиҳозланган. Бу ердан туриб генераторларнинг иш маромини аниқ ва тўла-тўкис кузатиш мумкин. Олимжон Содиқов ушбу марказий бошқарув пунктининг смена бошлиғи. Олимжон ва смена навбатчиси Муқаддам Жабборовалар 25 йилдан буён шу ерда меҳнат қилишади СУРАТДА: Олимжон Содиқов ва Муқаддам Жабборовалар иш устида.

Ф. АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

Иқтисод ва ҳаёт

МАРМАРИМИЗ — ҒУРУРИМИЗМИ?

Ғозғон мармарини Ҳиндистондаги овозаси етти иқлим ошган Тож-Маҳал ансамблида, Вьетнамдаги Хо-Ши Мин мақбарасида, Москва ва Тошкент метрополитенлари. бекатларида, яна қанчадан-қанча кошоналарда кўриш мумкин. Унинг шуҳрати тобора кенг тарқалмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда Ғозғон мармар конининг бойлиги кўп йилларга етар экан. Ҳатто, ҳозирги қазиб олиш жараёни бир неча маротаба жадаллаштирилганда ҳам. Хўш, ўлкамиз ана шундай бойликка эга экан, ундан фойдаланишнинг аҳволи қай даражада?

1942 ЙИЛДА ДАВЛАТ корхонаси сифатида иш бошлаган бу кон аввал «Уралмаш», сўнгра «Мосметрострой» сингари қурилиш ташкилотларининг бир бўлаги, кейинчалик «Самарқандмармар» бирлашмаси Лангар кон бошқармасининг ёрдамчи цехи вазифасини ўтаган. 1970 йилда кон бошқармаси, деган номни олган. Бугунги кунда Ғозғон қишлоғи чегарасида 5 та кон хўжалиги бор.

Корхона айни пайтда бир йилда давлатга 5 миллион сўмлик маҳсулот сотмоқда. Булар жумласига 25 минг куб метр мармар блоклари, 80 минг тонна мармар ушоғи, 16 минг квадрат метр мармар плитаси киради.

Бир қарашда 5 миллион сўм жуда катта маблағ бўлиб кўринади. Бироқ, унга мутахассисларнинг нуқтаи назарини эшитгач қарасангиз, жуда кичик эканлигига имон келтирасиз. Ишчиларнинг бундан икки йил олдинги энг юқори ойлик маошлари 262 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозир 398 сўмгача етди. Аммо уларнинг гапларига қараганда бу кам. Ҳақиқатан шундайми?

Корхона директорининг ўринбосари Абдурайим Ҳусеновнинг айтишича, ишчилар оғир шароитда меҳнат қилишмоқда. Ўзимиз ҳам бунинг гувоҳи бўлдик. Кўпгина асбоб-ускуналар ўз умрини аллақачон ўтаб бўлган.

Ўтган йили ишчиларнинг бир неча соатлик иш ташлаши бўлиб ўтди. Бу қулоққа ёқадиган гап эмас. Энди ўйлаб кўрайлик. Нега энди улар иш ташладилар? Бунинг сабаблари адоғсиз. Мен шулардан бирини айта қолай. 1977 йилда Ғозғон кончиларининг меҳнат шароитларини яхшилашга имкон берадиган юмушлар лойиҳа-сметалари катта дабдаба билан тузилган ва тасдиқланган эди. Бундан ишчилар ҳурсанд эдилар, албатта. Бироқ, мана, мучал бир айландики, ўзгариш сезилгани йўқ. Аҳвол «боз-бояги, бой бобонинг таёғи». Ишчиларнинг меҳнат шароитларини тасаввур этишингиз учун уларнинг ҳолатларини тасвирлайман.

Конларда кўчма компрессорлардан фойдаланилади. Компрессорлар кунига бир неча маротаба бузилади. Улар на қишки, на ёзги шароитда ишлашга мослаштирилган. Хуллас, кончилар 60 даража иссиқликдаги ҳавзада саккиз соатни ўтказадилар. Узингиз тасаввур этинг, 60 даражага шунча вақт чидаб бўладими? Ташқаридаги, даладаги 60 даража иссиқлик билан кон ичидаги 60 даражанинг ер билан осмонча фарқи бор. Ҳавонинг дим ва захлигини, чангни, порлатгич моддани бадбўйини айтмасак ҳам бўлади.

Корхона ўз-ўзини бошқаришнинг иккинчи босқичида фойдаси кўрсатмоқда. Бу модулда, айтайлик, корхонада 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилса, шундан 750 минг сўми турли ҳаражатларни ташкил қилиб, ишчиларга ойлик сифатида берилиши мумкин. Шундай қилиняпти ҳам. Бироқ, ишчиларнинг кўнгли тўлмаяпти. Қолаверса, ноҳияда ишсизлар армияси сони 5 мингдан ошиб кетди. Нима қилмоқ керак? Бу йил ушбу рақамнинг ошиши муқаррар. Мутахассисларнинг, тажрибали ишчиларнинг айтишича, Ғозғонга ва Нуротага темир йўл олиб келиниши (Карманадан Нуротагача 60 километр, Ғозғонгача эса 88 километр), сўнгра кон хўжаликлари сонини кўпайтириб, мармарни фақат хом-ашё сифатида сотавермай, балки уни қайта ишловчи завод ишини йўлга қўйиш лозим. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ана шу йўл билан минг кишини иш билан таъминлаш мумкин. Бироқ бу сон чегара бўлиб қолмайди.

Хўжалик директори Шоди Фозилович ФОЗИЛОВ бу ҳолатни қуйидагича шарҳлайди:

— БИЗ ДАВЛАТГА етказиб бераётган хом-ашёмиз асосан Ғазалкентда, Туркманистон, Арманистон, Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Украина ҳамда РСФСРнинг қатор заводларида қайта ишланмоқда. Ўша ерлар да минг-минглаб кишиларни иш билан таъмин этмоқда. Кўриб турганингиздек, ўзимизнинг ноҳияда эса шунча одам ишсиз юрибди. Қўшни ноҳиялардачи? Агар биз еттита кон хўжалигимизда олинаётган маҳсулотларни ўзимиз қайта ишласак, сотсак, бу нақд 15 миллион 375 минг сўм дегани! Энди ана шу маблағни тўла хўжалик ҳисобининг 2-босқичига солинг. Шундай ҳолда нималар рўй беришини кўрасиз. Бунинг устига беш йиллик охирига бориб Ғозғон кон системаси маҳсулоти 30 минг, Нурота конлари 10-12 минг куб метрга кўпайиши кутилмоқда. Бу эса юқоридаги маблағ икки баравар ортиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Яна бир гап. Ҳозир ишчиларимиз қазиб олинган бир куб метр хом-ашё учун 28 сўм олаётган бўлсалар, қайта ишлаш ўзимизда амалга оширилса, ҳар бир 28 сўмнинг устига 84 сўмдан 112 сўмгача ҳақ тўланади, демакдир. Бироқ, бизда аҳвол бошқача. Масалан, Италиянинг Каррари ёки Америкадаги, Германия Федератив Республикасидаги мармар конларидан фойдаланишни кўриб, ҳавасингиз келади. Уларда мармар тўғридан-тўғри тоғнинг, коннинг ўзидан, харсангнинг ўзидан саноат маҳсулоти тарзида худди сариёғ кесгандек кесиб оладилар. Биз эса портлатамиз. Мармарни портлатиш ваҳшийликдир! Италияликлар, ҳатто, антик даврда ҳам мармарни портлатмаганлар. Портлатиб олинган мармарнинг сифати ҳам ўзига яраша, яъни кўчишга, ғижирма бўлиб учиб-учиб тушишга мойил бўлади. Кесиб олинган мармар эса асллигини сақлаб қолади. Бизда эса портлатилади, сўнгра «КРАЗ» машиналарига сиғадиган қилиб бўлакланиб, ортилиб, довонлар оша Навоий шаҳрига етказилади. У ердан вагонларга жойланиб, юзлаб чақирим наридаги заводларда қайта ишланади. Бунинг барчаси кўтара ташвишдан бошқа нарса эмас. Вокзалларда ортиш-туширишни ташкил этишнинг ўзи бир дунё ғалва. Яна баъзида жарима ҳам тўлаб қоламиз. Шундай пайтда кишига оғир ботади.

— БУ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҳеч кимни чўчитмаслиги керак. Бизга хом ашёни қайта ишлашга рухсат ва ёрдам берилса — ўша юқоридаги жойларни ҳам, қайта ишлаш заводимизни ҳам мармар билан таъминлаган бўлардик, — сўзини давом эттиради Ш. Фозилов. — Мармардек чиқитсиз қурилиш маҳсулоти йўқ. Унинг синиқлари тугул, ушоғини ҳам ишлатиш мумкинлигини барча билади. Балки, темир йўл қурилиб, қайта ишлаш заводини бунёд этсак, халқимизга қурилиш материалларидан бири — мармар, мармар синиғи, ушоғини арзонроқ нархда сотармидик.

Хуллас, Ғозғон кончилари оғир шароитда бўлса-да, ажойиб хом-ашё яратмоқдалар. Ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида эса на Иттифоқ ва на жумҳуриятнинг мутасадди нозирликлари бош қотиришни истамаяпти. Ишчилар эса шу кунда ҳам, сиз ушбу сатрларни ўқиётган пайтда ҳам ҳарорати юқори бўлган ҳавзада тер тўкишмоқда.

Дафъатан мактабда ўқиб юрган кезларим ўқитувчимиз Ғозғон мармар кони ҳақида гапириб, «Мармаримиз — ғуруримиз!» деганини эслайман. Аввалари шу сўзларни эслаганда кўнглимда ҳақиқатан ҳам ғурур ҳисси уйғонган бўлса, эндиликда ўзгача бир кайфият туғилмоқда. Ёки ғуруримиз ҳақиқатан ҳам мармарнома бўлиб қолганмикан? Ота-онам — пахтакорларга ачинганимдек, уларга ҳам самимий ачиндим. Мурувват қилиш менинг қўлимдан келмаслиги ёдга тушгач, карахт бўла бошлайман. Ўқитувчимизга ҳам раҳмим келади...

Ғозғон конидан чиқадиган йўл Нурота — Навоий йўлига келиб қўшилади. Шу жойда ўқлоғдек ҳарфлар билан ёзилган «Яхши ишлаган яхши яшайди», деган шиор осиғлиқ. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Балки шиорни «Яхши ишлаганга яхши ҳақ тўланса, яхши яшайди» деб ўзгартирган маъқулдир. Балки, шиорларга кун қолмагани афзалдир!

Баходир ҚОБУЛОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Бизнинг мусоҳаба

«Деразамнинг тагида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади...»

Узбекистондаги жами майдонларнинг фақат 5 фоизигина боғ, узумзорлардир, дов-дарахтлар ҳам шу ҳисобга киради. Яна бозорда нарх ошиб кетяпти, деб жиғибийрон бўлиб юрамиз. Шу ерлар фақат мева ва узум етиштиришгагина хизмат қилиб қолмай, экологик вазиятни яхшилашга ҳам ёрдам бермоқда.

«Ўзбекистон» жумҳурият давлат-кооператив бирлашмаси ўлкамиздаги мева, узум ва сабзавот етиштирадиган жуда катта бирлашмадир, тармоқдаги ишлар аҳволи учун шу идора ходимлари зиммасига катта масъулият тушади. Урмон ва боғ яратиш икки ойлиги яқинлашиб келаётгани муносабати билан ЎзТАГ матбуот котиби Т. Коваль ана шу бирлашма бош директори М. К. КАМОЛОВ билан суҳбатлашди.

— Маҳкам Камолович, хўш ҳозир ишларнинг аҳволи қандай?

— 390 минг гектар ерда боғ ва узумзорларимиз бор. Бу Узбекистон учун жуда кам, албатта. Бунинг устига сўнгги йилларда боғ-роғлар майдони тобора камайиб кетаётганлиги жуда ачинарлидир. Дарахтзорлар путурдан кетган, хўжаликлар уларга дурустроқ қарамайди. Бўлар-бўлмас баҳоналар билан дарахтлар ва буталар кесиб ташланмоқда, кўчатлар парвариши ночор. Дарахтлар нобуд бўлиб кетяпти. Ҳар йили 100 миллионга яқин кўчат экилса-да, шулардан нари борса 30-40 фоизи тутиб кетмоқда. Масалан, беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 69 минг гектар ерда боғ ва узумзорлар вужудга келтирилган эди. Шулардан 18 минг гектаригина ҳосил беряпти.

Бунга сира тоқат қилиб бўлмайди. Жумҳурият ҳукумати 1989 йил кузи, 1990 йил кўкламида 100,7 миллион туп кўчат экишни белгилаб қўйган. Ўрмон хўжалиги Давлат комитети, қишлоқ хўжалиги Давлат-кооператив комитети, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси 110 миллион туп кўчат тайёрлаб қўйди. Аммо томорқа участкалари кенгайгани ва пахта майдонлари камайганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳам кам.

— Икки ойлик мобайнида бирлашма ходимлари нима ишлар қилишмоқчи?

— Очиғини айтсам, аҳвол ташвишли. Дов-дарахтлар сийраклашиб қолган. Қорақалпоғистон АССРда 50 фоиздан кўпроқ, Андижон, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида 20 фоиздан зиёд сийраклашган. Шунинг учун ҳам икки ойлик мобайнида биз боғ ва узумзорлар қаровини яхшиламоқчимиз.

Узум ҳосилдорлигини оширишнинг энг катта резервларидан бири — ток навдаларини сўриларга кўтаришдир. Тажриба шундан далолат бериб турибдики, шундай қилинса, ҳосилдорлик 1,5—2 баравар ортади. Афсўски, сўрилар ҳозирча жами узумзорларнинг 50 фоизида қўлланилмоқда.

Кўпгина хўжаликлар илиқ келган ноябрь-декабрь ойларида кўчат экишмади. Шунинг учун ҳам кўкламда фақат жамоат секторининг ўзидагина 14,7 минг гектар ерда боғ-роғ, 9 минг гектар ерда узумзорлар бунёд этиш керак. Бу ҳазилакам иш эмас, шунинг учун ҳам барча кучларни сафарбар этиш, ҳаво очиқ келган кунларни ғанимат деб билиб, фойдаланиб қолиш керак.

Боғлар ва узумзорлар камида 50 гектарлик йирик массивларда бунёд этилиши лозим. Шундай қилсак, кейинчалик ихтисослашган бригадаларнинг иши осон кечади. Дарахт кўчатларини маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олиб танлаш лозим. Қайта ишлаш корхоналарининг мавжудлигини ва шу тармоқни ривожлантиришнинг истиқболларини барвақтроқ пухта режалаштириб қўйиш керак.

Аҳолига ёнғоқ, бодом, анор, анжир, уноби жийда, хурмо, қорағат (смородина) ва хўжағат (малина) экишни маслаҳат берамиз. Бунинг учун кўчатлар сотилади. Кўчатга эҳтиёж йил сайин ортиб бораверишини таъкидламоқчимиз, кўчатзорлар эса ҳозирнинг ўзидаёқ эҳтиёжни қондиришга қодир бўлмай қолмоқда. Демак, янги кўчатзорлар зарур. Бу ишни мутахассислар билан мустаҳкам ҳамкорликда рўёбга чиқариш керак.

— Пировардида тармоқнинг истиқболи ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Асосий мақсадимиз — аҳолини йил ўн икки ой мева билан, қайта ишловчи саноатни хом ашё билан таъминлашдир, бундан ташқари мамлакатнинг саноат марказлари аҳолисига ҳам шу маҳсулотлардан етказиб беришимиз керак. Бунинг учун боғ-роғларга қарашни яхшилаш, янгиларини бунёд этиш, деҳқончилик маданиятини кўтариш ва шу негизда ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган маҳсулот сифатини яхшилаш лозим. Омборхоналар қувватини кўпайтириш, хўжаликлараро йирик пунктлар қуриш, мева ва узумни дурустроқ қайта ишлаш учун омборхоналарни замонавий ускуна билан жиҳозлаш керак. Хуллас, иш кўп. Биз ҳам шу катта юмушларга чап бермай, Ўзбекистонни витаминли маҳсулот етказиб беруви энг йирик ўлкага айлантириш ниятидамиз.

Манзарани Равил АЛЬБЕКОВ суратга олган.

Хориждан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

✦ **РИМ.** Шарқий Европа мамлакатларида юз бераётган чуқур демократик ўзгартишлар бутун-бутун халқларни жунбушга келтирди, уларнинг натижалари эса, аввало халқаро кескинликни юмшатиш соҳасидаги натижалар ҳозирданоқ аён кўриниб қолди, деб таъкидлади «Тинчлик учун ташаббуслар марказлари» миллий секретари Рафаэлла Болини хоним. У Италия Коммунистик Ёшлар Федерацияси (ИКЁФ)нинг ташаббуси билан бу ерда ўтказилган «Берлиндан кейинги осмон. Европада хавфсизликнинг янги системаси учун. Италияда мудофаанинг янгича модели учун» мавзуидаги семинарда сўзга чиқиб, бошланган Умумевропа хонадонини барпо этишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни ким қуришига, унинг пойдевори, деворлари ва томи қанчалик мустаҳкам бўлишига боғлиқ бўлади, деб таъкидлади.

Ғарбий Европадаги ва бутун жаҳондаги тез ўзгараётган сиёсий вазият, деб таъкидлади Р. Болини, Ғарбий Европа пацифистлар ҳаракати олдига аввало ўз фаолиятини кучайтириш, Ғарбда «мозий мавжларида кўринмай кетган» «совуқ уруш» қунларини қайтариш истагида ёнаётганлар кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш жараёнларидан, Шарқий Европа мамлакатларидаги қийинчиликлардан фойдаланиб қолишларига тўсқинлик қилиш вазифасини қўймоқда.

Совет Иттифоқи, Варшава Шартномаси ташкилотига аъзо бўлган бошқа давлатлар уруш хавфини камайтириш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш юзасидан бир томонлама тартибда амалий тадбирлар кўришмоқда, НАТО эса фақат ҳозирги вақтга келиб, эскириб қолган қайта қуролланиш программаларидангина воз кечиб, аслида ўз қурол-яроғларини такомиллаштириш сиёсатини давом эттирмоқда.

✦ **СТОКГОЛЬМ.** Фақат меҳрибон, самимий, одамохун кишигина чинакамига бахтиёр бўла олади — бу, асарлари дунёда энг кўп мутолаа қилинадиган муаллифлардан бири Астрид Линдгрен хоним ижодиётидаги асосий ғоядир. Унга Швеция пойтахтида мукофот топширилиши унинг болаликка, ўсмирликка ва ёшликка бутун борлиғини бахшида этиб хизмат қилганлигининг эътирофи бўлди.

«Жаҳон болаларига — тинчлик» совет уюшмаси швециялик ёзувчини Таня Савичева, Садака, Анна Франк ва Саманта Смит хотирасига медали билан тақдирлади. Линдгрен хонимнинг китоблари, деди мукофотни топшираётиб уюшма раиси, совет ёзувчиси Анатолий Алексин, болаларга қувонч бағишлабгина қолмай, келажак авлодга албатта, насиб этиши лозим бўлган урушларсиз ва зўравонликсиз дунёни яқинлаштиради.

Мен учун бу мукофот, айниқса, қадрлидир, деб таъкидлади А. Линдгрен. Биз фашистлар ваҳшийлик қилган йилларда ҳалок бўлганларни, Хиросимага ядро бомбаси ташланиши оқибатида қурбон бўлганларни ва шу кунларда ўзининг бутун умрини халқ дипломатияси ишига бағишлаганларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

✦ **ЛАГОС.** Нигериядаги энг катта олий ўқув юртларидан бири — Нсукка шаҳридаги дорилфунунда маъмурларнинг хатти-ҳаракатларига қарши студентларнинг кучли норозилик намойишлари бўлди. Бу ғалаёнларга маъмуриятнинг 21 нафар студентни улар ўтган йилнинг май ойида ҳукуматга қарши намойишларда қатнашганлиги учун ўқишдан ҳайдаш тўғрисидаги қарори сабаб бўлди, деб хабар қилди «Вэнгард» рўзномаси.

Куни кеча студентлар дорилфунунида бўлаётган симпозиумда маъруза айтаётган проректор Чимере Икокуни туртиб-суртиб ташқарига чиқариб юбориб, бу тадбирни барбод қилдилар. Улар дорилфунун шаҳарчасига кириш жойларини тўсиб қўйиб, олий ўқув юрти ходимлари ва ўқитувчиларини иш жойларига қўймадилар.

Дорилфунун студентлар ташкилотининг ижроия комитети ўтган йилнёқ тарқатиб юборилганлиги туфайли, деб ёзади «Вэнгард», норозилик ҳаракатига ким бошчилик қилаётгани номаълум.

(ТАСС).

БРАЗИЛИЯДА КОСМОДРОМ

БРАЗИЛИЯ. (ТАСС). Бразилия космик фазони ўзлаштириш сари яна бир муҳим қадам ташлади. Мамлакат президенти Ж. Сарней Мараньян штатининг Алкантара шаҳрида янги космодром очилишини шундай таърифлади. У ерда Бразилияда ишлаб чиқарилган «Зонд» учирувчи ракетага ўхшаш қурилма биринчи марта синов тариқасида учирилди. Бундай ракета яқин орада ер атрофи орбитасига Бразилиянинг сунъий ер йўлдошини олиб чиқиши керак. Ракеталарни учиришда жўғрофий жиҳатдан экватор яқинида (жанубий кенгликнинг 2 градус ва 21 минути) қулай жойлашганлиги бошқа космодромга нисбатан ёнилғини 20-25 фоиз тежаб қолишга имкон беради. Бориш қийин бўлган ерда жойлашган космодром хавфсизликни тўла таъминлаш учун зарур бўлган барча шароитларга жавоб беради, деди министр.

Космодромнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ж. Сарней космос соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни ёқлаб гапирди. Жумладан, Совет Иттифоқи билан ушбу соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга умид билдирди.

Америка мусиқашунослари 1989 йилни «рақс мусиқаси борасида мисли кўрилмаган йил» дейишмоқда. Гап шундаки, ўтган йили АҚШ хит-парадларида етакчилик доимо оҳангдор, рақсга ундовчи қўшиқлар ижрочиларига насиб этди. Ўз-ўзидан Лос-Анжелесда «Америкэн мьюзик эвордс» йиллик мукофот топширилиши маросимида шундай ижрочилар иштирок этишди.

Бу мукофот сотилган пластинкалар ҳақида маълумот ва мамлакатнинг 20 минг аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровдан сўнг тақдим этилади.

Мукофотга эришганлар орасида Майкл Жексоннинг синглиси Жаннет Жексон ҳам бор.

СУРАТДА: юксак мусиқавий мукофот соҳибаси Ж. Жексон.

(Рейтер — ТАСС телесурати)

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

ПЕКИН. (ТАСС). Хитойнинг асосий темир йўлларида жиноятчилик кўпаяётганлиги кузатилмоқда. ХХР жамоат хавфсизлиги министрлиги бу ерда нашр этаётган «Жэньминь Гунань Бао» рўзномасининг хабар қилишича, полиция яқинда қуролланган олти гуруҳни фош этган ва уларни қуролсизлантирган. Бу гуруҳлар 1988 йилдан бери Пекин-Гуанчжоу, Ланьчжоу-Ляньюньган, Ханчжоу-Наньчан, Шицязчжуан-Тайюань ва бошқа темир йўлларда йўловчиларга зулм ўтказиб, уларни талаганлар. 60 нафар жиноятчи ҳибсга олинди. Улар юқорида айтилган йўлларда 127 марта жуда катта ўғирлик қилганликда айбланмоқдалар. Тергов темир йўл ўғриларининг кўпчилиги шимоли-шарқий уч вилоят — Хэйлунцзян, Цзилинь ва Ляонин вилоятларининг фуқаролари эканликларини аниқлади. Уларнинг кўпчилиги қамоқхоналардан қочган жиноятчилар экан.

Рўзноманинг хабар қилишича, мамлакат темир йўлларида шу йил икки ойга етар-етмас вақт ичида давлат мол-мулки, шахсий пуллар ва жами 500 минг юанлик турли ашёлар ўғирланган.

Жамоат хавфсизлиги министрлиги темир йўллардаги уюшган қароқчиликка барҳам бериш мақсадида темир йўллар министрлиги билан ҳамкорликда ғоят тажрибали, жиноятчиликка қарши курашда катта ваколатларга эга бўлган полициячилардан 20 та махсус группа тузди. Маҳаллий полиция маъмурлари уларга ёрдам бериб, ҳамкорлик қилмоқдалар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РОУЗ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

● ҚЎШМА ШТАТларда минглаб ёш йигит-қизлар антиқа мусобақа ўтказдилар. Улар гимнастик ҳалқани уч кун мобайнида тинмай белларида айлантирдилар. Бироқ рекордлар китобига фақат Роксана Роуз исмли қизнинг номи тиркалди холос. У ҳалқани ҳеч тўхтатмасдан тўқсон соат давомида айлантирди.

Ё МУШУКНИ ДЕНГ, ЁКИ...

● БУЮК БРИТАНИЯга четдан уй ҳайвонлари олиб келиш божхона қоидаларига кўра қатъий таъқиқланади. Масалан, кучук ёки мушуклар олти ойлик карантиндан яхши ўтганларидан кейингина хўжайинига чегарадан олиб ўтиш рухсат этилади. Кимки бу қоидани бузса, катта миқдордаги жаримага гирифтор бўлади ёки бир йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинади, деб хабар беради «Дзенник людови» (ПХР) газетаси.

ЎЗ ФАМИЛИЯСИГА ОИД КОЛЛЕКЦИЯ

● НОЙШТАДТ шаҳарчасида (ҒФР, Рейнланд-Пфальц ери) яшовчи Бода Ульрих Каульбарш ўз номини авлодлар хотирасида қолдирмоқ учун, очиқроғи тарих саҳифаларига киритмоқ учун ёшлигиданоқ ўз фамилиясига оид коллекция йиға бошлади (Каульбарш — бу немисча сўзнинг маъноси «ёрш», яъни бир турли майда серқилтаноқ балиқ, дегани).

Аввалига пластилиндан ёршлар ясади, балиқчаларнинг чинни ҳайкалчаларини йиғиб юрди. Кунларнинг бирида ўзи ўқиб юрган мактаб-музейдан ёршнинг тулумини (чучело) ҳам ўғирлаб келди.

Улгайгандан сўнг эса ёршларни лойдан тайёрлади. Шундай қилиб, ўзининг 35 ёшини 103 та балиқлар коллекцияси билан нишонлади, дейилади «Унзере цайт» (ҒФР) газетасида.

ПОЛВОН ҚИЗ

● КАНАДАлик 25 ёшли Лиана Дюфре қўлида қуввати кўплигидан бағоят фахрланиб юради. У қўли тирсагини столга қўйиб, бармоқларини кенг керган ҳолда рақибини, қўлинча эркакларни қўл «жангига чорлайди ва худди келишилгандек доимо енгади.

Лиананинг оғирлиги 75 килограмм, бўйи 1 метру 67 сантиметр. Шуниси қизиқки, бу паҳлавон қиз ҳатто ўзидан оғирларни ҳам енга олади. Чехословакиянинг «Недельна правда» газетасида ёзишларича, яқинда машҳур хоккейчи Пьера Буркардони (оғирлиги 109 килограмм) 6 секундда мағлуб этган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

XX АСР КУНДАЛИГИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Фаррух РАҲИМ,

«Ёш ленинчи» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари.

ҲАҚИҚАТГА ДАДИЛ ОДИМ

КУНИ КЕЧА МАТБУОТДА Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ахбороти эълон қилинди. Унда жумладан шундай дейилади: «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови партия белгилаб берган сиёсий ислоҳотни амалга оширишда катта қадам, демократияни янада ривожлантиришнинг далили, қайта қуриш йўлидан бораётган жумҳуриятимизнинг сиёсий ва ижтимоий турмушида муҳим босқич бўлди».

Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўтган якшанба куни жумҳуриятимиз келажаги учун овоз бердилар. Бундан буён серқуёш ўлкамизнинг тараққиёти, аҳолисининг турмуш даражаси қандай бўлиши халқимизнинг ана шу мухтор вакилларига боғлиқ.

Марказий сайлов комиссиясининг ахборотидаги қуйидаги рақамлар ҳам киши диққатини ўзига тортади: 500 сайлов округидан 1094 киши депутатликка номзод қилиб кўрсатилди; 368 округда халқ депутатлари сайланди; 95 округда такрорий овоз бериш, 36 сайлов округида эса янги сайлов ўтказишга тўғри келади. Ушбу рақамлар ҳам сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги анчайин ўсганлигидан, халқимиз аста-секин ўзлигини таниётганидан, ҳақ-ҳуқуқларини билиб олаётганидан далолат беради. Бу ҳам бўлса партиямиз бошлаган ва қатъият билан амалга ошираётган қайта қуриш, ошкоралик, демократия шарофатидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайловлар жумҳуриятимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият мураккаб бўлиб турган бир шароитда ўтди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкин: сайлов арафасида энг юқори чўққига кўтарилган фикрлар хилма хиллиги Ўзбекистонда тобора чуқур илдиз отаётган демократия ва ошкораликни яна бир бор зўр синовдан ўтказди.

Бу билан биз ҳамма жойда ҳам сайлов демократик асосда, «силлиққина» ўтди демоқчи эмасмиз. Таассуфки, демократияни, сайловни ўзича тушунганлар, ҳам кўп бўлди. Баъзи депутатликка даъвогарлар сайловчилар овозини ўз корхоналарида етиштириладиган ва тайёрланадиган олма, анор каби дўконда йўқ, бозорда нархи осмонда бўлган мевалар, водопровод ва канализация қувурлари-ю, ширин-ширин ваъдалар билан сотиб олмоқчи бўлишди. Шартлари эса битта: «Фақат менга овоз берасизлар, рақибимни номини ўчирасиз. Ана шунда ҳамма нарса сизларга бўлади». Ваҳоланки, сайловлар тўғрисидаги қонунда номзодларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз (айтиш мумкинки, ўзи раҳбар бўлган корхона ва ташкилот) ҳисобидан сайловолди ташвиқоти олиб бориши мумкин эмаслиги таъкидлаб ўтилган.

Бироқ юқорида ўқиганларингиз ҳам «ҳолва» экан. Айрим депутатликка номзодлар бюрократ ва замонавий тўралар томонидан шу қадар тазйиқ ва таъқибга учрашдики, буни очиқдан-очиқ демократияга зид, қайта қуришга қарши ҳаракатдан бошқа нарса деб таърифлаб бўлмайди. Ана шундай қийинчиликни бошидан кечирганлардан бири «Ленин учқуни» рўзномасининг муҳаррири Абдусаид Кўчимовдир.

— Сайловолди кампанияси айни қизғин паллага кирганда, — дейди А. Кўчимов, — ноҳияга Тошкентдан телеграмма борган. Унда мени қоралаб, шаънимга бўлмағур гаплар айтилган экан. Ушбу телеграмма дарҳол кўпайтирилган ва, 329-Қоратепа сайлов округидаги барча сайлов участкаларига тарқатилиб, ундан менинг номзодимга қарши ташвиқот олиб боришда асосий восита сифатида фойдаланишган. Иш шу даражага бориб етганки, ҳатто ёнилғи қуйиш станцияси хизматчилари ҳам машинаси учун бензин олгани борганларга «Абдусаид Кўчимовнинг расвоси чиқибди» дея миш-миш тўқишган.

Мени ҳаммасидан ҳам кўра ажаблантиргани туҳматчилик ва бўҳтон тарқатиш билан шуғулланганларнинг ҳатто ҚОНУННи ҳам назар-писанд қилмаганларидир. Ўзбекистон ССР-нинг халқ депутатлари сайловлари ҳақидаги Қонуннинг 14-моддаси қуйидаги жумла билан тугайди. «...Депутатликка номзоднинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган, ёлғон маълумотларни матбуотда эълон қилган ёки бошқача усул билан тарқатган, сайлов комиссияларининг аъзоларига нисбатан ҳақоратли муносабатда бўлган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади».

Иғвогарликларга (буни бошқача аташ мумкин эмас) қарамай сайловчилар ўзларининг асл фарзандлари ким эканлигини билдилар — Абдусаид Кўчимов Ўзбекистон ССР депутатлигига сайланди. Ҳа, Ургутда ҳақиқат қарор топди. Аммо Сариосиё ноҳиясида ҳақиқат охиригача қарор топмади. Бу ерда ҳам кулгули, ҳам қайғули воқеалар бўлиб ўтди. Кулгилиги шундаки, ноҳия раҳбарларининг фикрича, 358-Узун сайлов округидан Ўзбекистон ССР депутатлигига ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Владимир Петрович Хомяқдан ўзга муносиб номзод йўқ эмиш. Қайғули томони шундаки, бюрократлар халқ бахтини ҳамма нарсадан устун қўювчи иқтидорли шоир Мирза Кенжабоевнинг номзодини рўйхатга киритишга ҳам йўл қўйишмади. Оқибатда сайловчиларнинг лоақал ярми ҳам В. П. Хомяк номзодини қўллаб-қувватламади. Энди ушбу сайлов округида қайта сайлов ўтказиш лозим. Аммо қонунга биноан В. П. Хомяк ўз номзодини яна кўрсатишга ҳаққи йўқ. Энди айтингчи, азиз муштарий, Сариосиёдаги айрим кимсаларнинг ортиқча «фаоллиги»дан ким кўпроқ зарар кўрди? Иккаласи ҳам эмас: фикримча номзод тимсолида авваламбор ноҳия фирқа қўмитаси, қолаверса, бутун фирқамиз обрўсига путур етди. Ахир бирники мингга, мингники туманга, деб бежиз айтишмаган.

Комсомол ходими аввало нимага аҳамият бериши керак? Табиийки, саволга жавоблар кўп. Кимдир, ВЛКСМ Уставини ёд билиши керак, дейди, бошқа биров сиёсатдан бохабар бўлмоғи лозим, деб жавоб беради. Булар ҳам тўғри. Лекин комсомол ходими иш юрита билиши ҳаммасидан муҳим. Ташкилот фаолиятидаги кўп ишлар ана шунга боғлиқ.

Булунғур ноҳиясидаги Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалиги комсомол ташкилоти ходимлари бунга дилдан ҳис этишади.

СУРАТДА: давлат хўжалиги комсомол ташкилоти фаоллари навбатдаги йиғилиши.

Тўлқин ДАВЛАТОВ сурати.



Бу рақамлар кишини бениҳоя ташвишлантиради. Негаки, жумҳуриятимиз келажаги ёшлар қўлида. Ўзбекистоннинг равнақи учун сергайрат, оловқалб, билимдон ёшлар курашмаса, ким курашади?

МАМЛАКАТИМИЗДА

Зайниддин РИҲСИЕВ,

«Ёш ленинчи» рўзномасининг бўлим мудири.

БЎСАҒАДА УЧ ЙЎЛ

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА халқаро шарҳловчиларимиз америкаликлар ўз қобиғига ўралиб яшашга одатланишган, уларни чет эллардаги оламшумул воқеалардан кўра, ўз юртларида рўй берган кичик бир янгилик қизиқтиради, деб қулоғимизга қуйишар эди. Сўнгги йилларда биз ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, ўз қобиғимизда яшашга кўникиб бормоқдамиз. Тўғрироғи, ўз ташвишимиздан ортиб, теварак-атрофга қарашга вақт тополмаяпмиз. Худонинг берган куни битта ғалва: иш ташлашлару митинглар улфат йигитларнинг чойхонадаги гурунги-ю, гап-гаштагидек оддий ҳол бўлиб қолди. Ҳатто «учар ликопчалар»дан ҳам ҳайиқмай қўйдик.

Аммо эндиликда биз, бутун мамлакат хавотир ичида яшаётганимизни очиқ тан олишга мажбурмиз. Курк бўлган товуғига яхши ниятлар билан бостирган тухумлари палаға чиқиб, тарвузи қўлтиғидан тушган камбағал, шўрлик қўйига тушиб ўтирибмиз, бугун. Қандай қилсак, қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлади, билолмай қолдик. Юраклар безиллайди. Бири-биридан хунук хабарлар мўри-малахдек ёпирилиб келаётгандай туюлаверади, туюлаверади.

— «Посейдон» катта совутгичли траулерда ёнғин чиқди. Кема ремонтдан сўнг Аляска қирғоқларига йўл олишга шайланаётган эди. Экипаж аъзоларидан икки киши ҳалок бўлди. Прокуратура тергов ишларини бошлаб юборди...

— Кавказорти темир йўли Ереван бўлинмасининг Кировакан — Санаин участкасида йўловчи поезд тепловоз билан тўқнашиб кетди. Натижада тўрт киши ҳалок бўлди, икки киши касалхонага ётқизилди. Ҳалокатга олиб келган ҳолатни текшириш учун комиссия тузилди...

Уйингизда қўлингиздан бехос тушган пиёланинг бир чеккаси учганига қанча ичингиз ачийди. Ташлаб юборишга кўзингиз қиймайди. Бу ерда эса гап юз минглар, миллионлар хусусида бораяпти. Одам хунининг-ку мезони йўқ.

Афсуски, биз узоқ йиллар шаънига фақат ардоқли сўзларни ишлатиб ўрганганимиз Советлар Ватанида қон тўкилаяпти. Худди урушдагидек. Ҳали юрагимиз тубида тош кетишидан ҳам, унинг лахтаклардан тикилган бир бутун кўйлакка ўхшаб туришидан ҳам. Мен унинг табиий, онадан янги туғилган гўдакдек пок ва бус-бутун — мутлақо бир-бирини инкор этмайдиган организм каби табиий бутунлигини қўмсайман. Гарчанд у ҳеч қачон шундай бўлмаганлигини эндиликда яхши билсам ҳам. Лекин шундай ўйлаганимни ва бунга ишонганимни ҳам соддадиллик билан тан оламан. Ҳам уяламан, ҳам овунчоғидан айрилиб қолган ёш боладек бўзлагим келади. Ахир бизга коммунизмни ваъда қилишган эдик!

Энди бу сўзни ҳатто катталар ҳам тилга олмай қўйишди...

Агар сезаётган бўлсангиз, кейинги пайтларда ғоявий мухолифларимизни гўё унутдик. Бунинг аксича, отанг яхши, онанг яхши, дея пайтаҳ ўйнаётган Тоғли Қорабоғ ва унинг атрофида «шатранж ўйнаётган» Озарбайжон ҳамда Арманистондаги ур-йиқитлар босилмай турибди, ён қўшнимиз — жон қўшнимиз Тожикистон пойтахти Душанбеда хунрезлик юз берди. Одамлар ҳалок бўлди, дўконлар талон-тарож қилинди, кишилар иззат-нафси оғринди.

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши, кейинги оғриқ нуқта қаердан чиқар экан деб, Ва хавотирга туша бошлайсан. Қўшнингдан ҳам, ўзингдан ҳам. Ўтмишдан ҳам, бугунги кундан ҳам. Мамлакатнинг чок-чокидан сўкилиб паслайдиган бўлиб қолдик. Халқ буни кўриб турибди, албатта. Норозиликларнинг бир учи ана шу тайинсизликка бориб тақалса, ажаб эмас.

Ўзбекларда шундай гап бор: «Оилада бир киши хаста бўлса, бутун хонадон азият чекади». Кейинги пайтларда эса дардманд халқлар, бемор соҳалар, оғриқ нуқталар, безовта кунлар кўпайиб кетди. Биз ҳатто бу касалликларга ном тополмай қолдик, энг ёмони кўникиб қолдик.

Ким-кимдан қарздор? Ким-кимни бироқ юқорида ўқиганларингиз ҳам «ҳолва» экан. Айрим депутатликка номзодлар бюрократ ва замонавий тўралар томонидан шу қадар тазйиқ ва таъқибга учрашдики, буни очиқдан-очиқ демократияга зид, қайта қуришга қарши ҳаракатдан бошқа нарса деб таърифлаб бўлмайди. Ана шундай қийинчиликни бошидан кечирганлардан бири боқяпти? Жумҳуриятлараро олворди-солворди гаплар ҳам ҳолва экан, энди давлат ва одамлар ўртасида шу гап айланишиб қолибди. Социалоглар яқинда сўров натижаларини эълон қилишди. Унда кўрсатилишича, сўралганларнинг 8,4 фоизи «Давлат бизга шу қадар оз берадики, биз унга ҳеч нарсада бурчли эмасмиз» деса, 11,3 фоизи «Давлат бизга озмунча бермаяпти, бироқ янада кўпроқ талаб қилиш мумкин», деган. 33,5 фоизи эса тағин ҳам қаттиқ кетибди: «Биз эркин кишилар бўлишимиз ва давлатни бизнинг манфаатларимизга хизмат қилдиришимиз керак».

Уларни оқламоқчи ҳам, хайрихоҳлик билдирмоқчи ҳам эмасман. Лекин мен қуйида келтирадиган фикрларда боқимандаликдан кўра ҳамдардлик, елкадошлик, мамлакат тақдири учун қуюнчаклик мавжудлигига эътиборингизни тортмоқчиман. Шундай қилиб, сўралганларнинг 4,4 фоизи «Давлат бизга ҳамма нарсани берди, ундан яна нималарнидир талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», 33,2 фоизи «Даалат ҳозир шундай аҳволдаки, биз ҳатто нималарнидир қурбон бериб бўлса-да, унга кўмаклашишимиз даркор» дея жавоб қилган. Сўралганларнинг 10,3 фоизигина аниқ бир гап айта олмаган.

Хуллас, жуда жиддий, ўта мураккаб, баъзан қувончли, кўпинча ташвишли воқеалар юз бериб турибди. Шунинг учун ҳам Ватанимиз юраги Москвада халқ депутатларимиз ўзларининг навбатдаги сессияларида мамлакат эркинроқ нафас олсин учун, уни бир бутун қилиб боғлаб турган томирларда қон равон оқсин учун ҳар куни бир ўлиб, бир тирилмоқдалар.

Ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган буюк мамлакатимизда муқобил йилнинг олтидан бир бўлаги поёнига етмоқда. У кимларнингдир кўзини очди, кимларни эса кўр-басир қилди.

Одамлар КПСС Марказий Қўмитасининг февраль Пленуми материаллари, фирқа XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси билан ҳамон қизиқиб танишаётирлар...

Жойларда эса митинглар...

Иш ташлашлар...

Комендантлик соатлари...

Ва маън қилувчи қарорларни кашф этишлар... давом этмоқда.

... Бўсағада худди эртаклардагидек учта йўл: борса келар, борса келмас, ё келар, ё келмас...

Ота-боболаримиз бугунгидан мушкулроқ вазиятда ҳам довдираб қолишмаган эди. Иншоолло, бу гал ҳам шундай бўлгуси...

ХОРИЖДА

Асадулла МАМАТҚУЛОВ,

ТошДУ ҳуқуқшунослик факультети доценти.

ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА халқаро муносабатларда қайта қуриш шарофати деган сўзни кўпроқ эшитадиган бўлиб қолдим, аммо давлатимиз ички сиёсати ҳақида кўпчилик кишилардан қайта қуриш машаққатлари, қайта қуришга тўсқинлик каби сўзлар ҳам тез-тез қулоққа чалиниб туради. Халқаро муносабатлар масаласи ихтисосим бўлганлиги учунми «Яшасин, қайта қуриш!» деб дадил айтгим келади. Чунки Совет Иттифоқида амалга оширилаётган қайта қуриш иқтисодий танглик ва миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви асосида жуда қийинчилик билан олга силжиётган бўлсада, бу жараён Совет давлатининг халқаро майдондаги обрўсини ошириб, ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Хўш, ҳозирги пайтда жаҳондаги барча давлатларнинг бизга нисбатан яхши муносабатда бўлишининг боиси нимада? Бунинг боиси Совет Иттифоқи ҳарбий кескинликни юмшатиш борасида муҳим тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширишга астойдил ҳаракат қилаяпти. Ривожланган давлатлардан АҚШ, Франция, Англия ва бошқа давлатлар қайта қуриш эълон қилганимиздан кейин мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига муносабатлари ижобий томонга ўзгаряпти.

Қайта қуриш шарофатида давлатимиз нанки Европадаги ривожланган давлатлар билан яхши муносабатини ўрнатиб қолмай, балки Осиё—Тинч океани регионидаги давлатлар билан ҳам ҳамкорликни мустаҳкамлашда биринчи қадам қўйди.

Жаҳон афкор оммасига маълумки, биз 1991 йилгача мамлакатимизнинг Осиё қисмидаги ҳарбий кучларимизни 200 мингга, Узоқ Шаркда эса 120 мингга қисқартирамиз. Биз келишилган шартномага мувофиқ 436 та ўртача ва қисқача олисликка учадиган ракетани йўқ қилдик. Тинч океани флотидан 16 та ҳарбий кемани чақириб олиш ҳаракатидамиз.

Совет Иттифоқи ҳукумат бошлиқлари узоқ йиллардан буён Осиё—Тинч океани регионида жойлашган давлатларга ташриф буюрмаган эдилар. Шу йилнинг 11 февралида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков келишилган аҳдлашувга асосан Таиландга борди. Совет ҳукумати бошлиғининг Таиландга визити бу давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигига қарайиб ярим аср ўтгандан кейин биринчи бор ташрифидир. Бу визитнинг тарихий аҳамияти шундаки, 1990—1991 йилларда СССР ва Таиланд ҳукуматлари ўртасида илмий ва маданий алмашув ҳаракатномаси тузиш, фан ва техника бўйича ишчи группаларни ташкил қилиш ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимни жорий қилиш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Жанубий—Шарқий Осиёдаги аҳволни муҳокама қилиш чоғида асосий диққат ва эътибор Камбоджадаги зиддиятли ҳолатни бартараф этиш ва уни тўғри ҳал қилишга қаратилди. 1989 йилнинг август ойида Камбоджа масаласи бўйича Париж конференцияси бўлиб ўтган эди. Бу анжуманда томонлар ўн бир йилдан буён давом этаётган гражданлик урушига барҳам бериш борасида келишиб олдилар. Ўтган йилнинг 27 сентябрида Вьетнам ҳукумати ўз аскарларини Камбоджа территориясидан олиб чиқиб кетганидан сўнг тўрт кун ўтгач яна безовталик бошланди. Индонезия ҳукуматининг ташаббуси билан яқинда Жакартада бўлиб ўтадиган норасмий конференциянинг мақсади ҳам Париж конференцияси қарорларини ҳаракатга келтиришдир.

Бўлажак Жакарта конференцияси қатнашувчиларининг фикрига қараганда БМТ назорати остида Камбоджада эркин сайлов ўтказиш, доимий бетарафлигини белгилаш, Жанубий—Шарқий Осиёда ўзаро ҳамкорлик, бетарафлик ва тинчлик зонасини тузиш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу региондаги мамлакатлар ахборот воситаларининг хабар беришича, Камбоджадаги зиддиятни тўғри ҳал қилишга қўшимча имконият СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижковнинг Таиланд, Австралия, ва Сингапурга қилган сафари натижаларида ҳам кўриш мумкин, дейишмоқда.

Совет ҳукумати бошлиғи визити Австралияда давом эттирилди. Н. И. Рижков ва Австралия бош министри Р. Хаук ўртасида очиқчасига дўстона руҳда ўтган учрашувда Жанубий—Шарқий Осиёдаги мавжуд кескинликни бартараф қилишда нуқтаи назарлари бир хил эканлиги таъкидлаб ўтилди. 1942 йилда Австралия билан СССР ўртасидаги дипломатик муносабат ўрнатилгандан кейинги ўтган даврда Совет ҳукумати раҳбарининг бу давлатга биринчи маротаба келишига қарамасдан, икки ҳукумат раҳбарлари муҳим шартномаларга имзо чекдилар. Жумладан, балиқ овлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ядро қувватидан тинчлик мақсадида фойдаланиш, гуманитар соҳада ҳамда консуллик шартномаларни қабул қилинди.

Бизга маълумки, Австралия учта давлат иштирокида тузилган ҳарбий блок АНЗЮСга аъзодир. Лекин шунга қарамасдан Австралия давлати СССР даги қайта қуриш сиёсатини астойдил маъқулламоқда ва бу жараён фақатгина Совет давлатигагина тааллуқли бўлмасдан, балки, бутун жаҳон давлатлари ички ва ташқи сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлаётганлиги айтиб ўтилди.

СССР бош министрининг Осиё-Тинч океани регионидаги давлатларга сафари Сингапурда якунланди. Н. И. Рижков ва Сингапурнинг бош министри Ли Куан Ю ўртасидаги музокара мазмунли ва самарали бўлиб ўтди. Ли Куан Ю Совет Иттифоқидаги инқилобий ўзгаришларга юксак баҳо берди. Музокара чоғида СССР Министрлар Совети Раисининг Сингапурга келиши Совет ҳукумати бошлиғининг бу давлатга биринчи визити бўлса-да, Совет Иттифоқи ва Сингапурнинг ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлиги муносабатлари йўлидаги юксак қадамлар деб таъкидланди. Икки давлат ҳукуматлари бошлиқлари иштирокида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Совет-Сингапур ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисида битим имзоланди.

Шундай қилиб, Совет ҳукумати бошлиғининг Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси аъзолари бўлган Таиланд, Австралия ва Сингапурга биринчи бор визити шу регионда халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, тинчликни сақлашга ва Совет Иттифоқи билан турли соҳалар бўйича муносабатларни янада ривожлантиришга асос бўлади.

Давлатимиз ташқи сиёсатдаги бундай ўзгаришлар қайта қуриш шарофати деб биламан, ички сиёсатимизда эса шарофатли ишлар албатта амалга ошади.

Японялик 35 ёшлик Энко Хасегана каратэ бўйича «қора камар» соврини соҳибаси ва аэробика бўйича инструктор. Энко ҳозирги пайтда Японияда эндигина шаклланиб келаётган спортнинг янги тури каратэ-бикининг ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Каратэбики гимнастика ва каратэ усулларини ўзида мужассамлаштирган спорт турларидан биридир. У билан шуғулланган кишининг нафақат қоматн чиройли бўлиб қолмасдан, балки ўз-ўзини қимоя қилиш услублари ҳам ўргатилади.

(ТАСС телесурати)

Гулистоннинг КОТИЛИ КИМ?

Эркин МАЛИКОВ

ГУЛИСТОН, ниҳоят сен ўзингни-ўзинг осдинг! Ҳа, ниҳоят!.. Шундай деяпманки, гўё бу фожиани олдиндан сезгандекман. Ҳа, сезиб туриб бу даҳшатли йўлдан сени қайтармагандекман. Иложсиз, ожиз бир томошабиндек қараб тургандекман. Ким нима деса десин-у, бугун қайси навқирон ёш ўзини-ўзи осаётган, ёқаётган, чўктираётган, заҳарлаётган бўлса, тирикларга шу йўсин исён билдириб, жамийки нарсага «бор-эй», деб тупуриб кетаётган бўлса — орқасидан қўл қовуштириб қолаётганларнинг бари томошабиндир. Ҳа, ҳа томошабин!

Ахир одамлар бир тутам ўт бўлиб юрганларингни кўришмаган дейсанми? Оҳу-нолаларингни эшитишмаган дейсанми? Наҳотки, юракларимиз шунчалик тош, метинга айланиб кетди? Наҳотки, меҳр ва оқибат, раҳм ва шафқат, мурувват деган сўзларнинг фақат сўзлиги қолди-ю, инсон жисми жонидаги ўзлиги абас бўп кетди?! Ахир кўриб туриб ўзни кўрмаганга солиш, эшитиб туриб эшитмаганга олиш... «Бундайларга ҳам боққан бало борми?» сўрайман бир кексадан. «Бор, нимага бўлмасин, — деди у ўйга толиб, — шундоғам борки, бундайларнинг на бу дунёси, на у дунёси бор, охиратда дўзах ўтида куядилар». Бу жавобни эшитиб шошиб қолдим Гулистон. Ахир ҳозиргилар «у дунё, бу дунё, дўзах азоби», деган гапларни билмайдиларку!

Хўш, сен — 23 ёшли келинчак ўз жонингга ўзинг нега қасд қилдинг? Сен бир чекка қишлоқдаги, қолоқ қиз эмас эдинг. Комсомол аъзоси эдинг. Боз устига комсорлигингчи? Ҳамма сиққан дунёга нимага сен сиғмадинг? Наҳотки, одам дегани яшашдан шунчалик тез безса? «Бу ёруғ дунёда яшашнинг ўзи бир неъмат» деган гапларнинг қиймати қаерда қолди? Ҳа саволлар, гумонлар, тахминлар...

Гулистон, мен уларга жавоб ахтариш мақсадида сени яхши билган ва сендан кейин қолиб яшаётган кишиларни бир-бир виждон кўзгусига солиб кўрмоқчиман. Ахир инсон ҳамма нарсадан қочиб қутулиши мумкин. Ҳатто ўлимдан ҳам. Бироқ виждон қийноқларидан, виждон азобларидан? Ҳеч қачон!

• • •

Узр Олтиной опа, виждон кўзгуси рўпарасига биринчи бўлиб сизни ўтказамиз энди. «Ҳов, мухбир, бу қандоқ бўлди, мен онаизорния, оғзимда оҳим, кўзимда ёшим билана, қайси гуноҳларимга виждоним олдида жавоб беришим керак», дерсиз? Сизнинг гуноҳингиз Гулистонни дунёга келтириб, бўйига-бўй қўшиб, касб-корлик қилиб ва ниҳоят бекамукўст турмушга берганлигингиз... Яна онаизорнинг айби шу бўладики, қизи вояга етиб, кўзга кўриниб қолганда совчи кутиб кўзи йўлда бўлиб қолади. Боз устига қизининг биттаиккита тенг-тўши ёр-ёр билан учирма бўлиб қолса, еган-ичгани ичига тушмайди, худди қизи ўтириб, «қари қиз» бўлиб қолаётгандек. Бирортаси қизи ҳақида гап очса, қулоғи динг бўлиб туради, совчи қўймоқчими деб...

Йўқ, онаизорлар, шу кунгача шошдинглар, энди шошманглар. Шошиб-шошиб шундай кунларга қолдикки, қурилган ҳар иккита оиланинг биттаси бахтсиз. Бахтсизлик оддийгина ажралиш билан якун топмаяпти, қаранг «оддий» деган сўзнинг тилимга келиб қолганлигини, ажрашиб кетиш ҳам оддий гап бўлиб қолди-да бизда. Эндиликда ўша бахтсизлик ёнига ўз жонига қасд қилишлар ҳам қўшилди. Ҳа, зинҳор ба зинҳор шошманглар энди онаизорлар! Севишибди, деб ёшларнинг инон-эҳтиёрларини ўз изимларига бериб қўяверманг. Бундоқ жуфт танлашда ёрдамлашинг, она бўлиб аралашинг. «Олдиндан севишиб, синашиб олгани яхшида» дейсизми? Ҳа, сизларга яхши, эрта кунда бир гап бўладиган бўлса «ўзинг пиширган ош, айланиб ҳам ич, ўргилиб ҳам ич» дейишингиз учун яхши. Бундай писандани бирикки эшитган ёшлар аламини ичга ютиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётаверади. Севишиб теккан, севиб ояганда!

Севги ҳам бамисоли шароб — мисқоли даъво, ботмони заҳр деган экан бир куйган одам. Мисқоли қанчаю, ботмони қанча бўлади? Бунинг фарқига бормай қўйдикку! Ҳа, оила қуришда меъёрни йўқотиб қўйганимиз ёмон бўлди. Калаванинг учи қачонлардир қўлдан чиқиб кетди. Тўғрими, Олтиной опа. Ёдингизга кўп нарсаларни тушириб юбордим-а? Ҳа, Сиз ҳам Гулистонни узатишда шошибла қолдингиз. Ундан кейин Гулойим ҳам бўй чўзиб келаётган эдида! Айтингчи, куёвингиз Аминбойни илгариям кўриб юрармидингиз? Жилла қурса унинг феъл-атвори ҳақида ундан-бундан эшитиб турармидингиз? Ота-онасию, хешларини билармидингиз? Ҳеч нима билмасдингиз. Ҳатто Гулистон ҳам тузук-қуруқ билмасди. Гулистон қайдаю, Аминбой қайда? Бу савдоларни Аминбойнинг туғишган опаси Олмагул бошлади. У қизингиз билан битта ишхонада ҳамшира бўлиб ишларди. Қарасаки Гулистон қувноққина, лобаргина, оёқ-қўли чаққонгина. Ёқтириб қолди. Етим ўсган укасига келин қилиш пайига тушди. Албатта бундай хайрли ишга қўл урар экан Олмагулнинг ҳам нияти ҳолис эди. Айтингчи, ўшанда Олмагул кўзингизга авлиё бўлиб кўринмаганмиди? Ҳам оналик, ҳам опалик қиляпти бояқиш, дея кўнглингизда алқамаганмидингиз?

Гулистон билан Аминбойни бирикки учраштирдингизда, ҳа, ҳозир ҳамма шундай қилади, кейин қизингизнинг кўнглига қўл солдингиз. «Қизим, фалончилардан ҳам совчилар келиб турибди, тагли, тахтли, ўйлаб кўр». Қизингиз бир, икки фурсат ўйланиб қолди. Аминбой оғир ва вазминлиги, етим ўсганлиги, ташқи кўринишлари билан Гулистонга ёқиб қолди. Шунинг учун ҳам қаршингизда қизарди-бўзарди, ҳа деганда гапини топиб айтавермади. Сукут сақлади. «Ҳа ёқибдида» дедингиз бу рўйхушликдан қувониб. Ўйламадингизки, Гулистон рентген аппарати эмаски, Аминбойнинг вужудидаги барча оқу қора доғларни кўриб улгурса. «Ҳа, — деди қиз, — Аминбойдан бўтанга бормайман». Ана шу қатъий жавобдан кейин хотирингиз жам бўлиб, фотиҳага қўл очдингиз. Қизлар ҳам шу ёшда, ва бундай пайтларда шошиб қолишлари мумкинлигини ўйлаб кўрмадингиз. Қиз-у, йигит бир-бировларига ёқишибдими, осмоннинг никоҳи ерга тушгани шу дедингиз. Аммо иш пишиб, ғишт

1

қолипдан кўчиб, тўй кунлари яқинлашганда юрагингизнинг бир чеккасини анчадан бери бир нима кемираётганини пайқадингиз. Қизингизга ёрилдингиз: «Сен сигир соғиб, томорқа қараб, ғўзапоя йиғиб ўсмадинг, колхозга тушяпсан, қийналиб қолмасмиканман?»

Қаранг, бу масала нафақат сизни, Гулистонниям қийнаб келаётган экан. «Мен ҳам бу ҳақда Аминбойга сўз очдим, — деди Гулистон, — тўй ўтгач шаҳарга кўчиб келамиз деди» деб сизни ҳотиржам қилди. Ўшанда айтмадингизки, ҳай қизим, бу жуда ҳом гап, Аминбой ким бўптики бугун уйланиб, эртага кўч-кўрони билан шаҳарга кўчиб келадиган. Бу ерда унга қайси ғамхўри уй тайёрлаб қўйибди. Уни қариндош-уруғлари ота-онасининг чироғини ёқиб ўтирсин деб ўйлашяпти. Яна Аминбой уйланиб қарзга ҳам кираяпти, колхозда ишлаб қарзларини узиши керак. Ундай ўйларни қўй, оила қурмоқ — тош келса кемирмоқ, сув келса симирмоқ, бир жойга бормоқ — эл бўлмоқ — бир пут туз яламоқ демадингиз.

Сиз икки ёшни бир-бировига қовуштирар экансиз, яна битта кечирилмас хатога йўл қўйдингиз. У ҳам бўлса Гулистон қандай оила тутимида ўсдию, Аминбой қандай оила тутимида ўсди? Гулистон энди оқуқорани таний бошлаганда отадан етим қолди. Табиий, оила бошқаришни ўз қўлингизга олдингиз. Ҳам оталик, ҳам оналик қила бошладингиз. Болалар ота десалар ҳам, она десалар ҳам сизга термулишди. Ҳа, Гулистон рўзғор бошлиғи аёл бўлган хонадонда вояга етди. Эътибор қилмадингларми? Бўйи чўзилиб келаётган қизларни ён-верингизга тўплаб: «турмуш қуриш нима дегани, оилачи, эрга тегиш тўй билан бошланадию, турмуш тўй эмас, ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу деган гаплар бор, аччиққа теккан оғзинг сабр қилсанг ширинга ҳам тегади» деб айтдингларми? Гулистоннинг ўлимини ўзларича жасорат, қаҳрамонлик деб билган, ҳайратга тушган ёшларнинг миясидан ситиб чиқаришга уриниб кўрдингларми? Йўқ, мен Сиз билан гаплашганда шунга ўхшаш хаттиҳарактларни пайқамадим. Бекорга Сиздан «худони биласизми» деб сўрамадим. Наҳотки Гулистоннинг ўлими маҳаллалардаги оналарга «қизларингиз, келинларингиздан ҳамиша огоҳ бўлинг!» деган бир ҳайқириқдек эшитилмади? Ё номаъқул гапларни айтяпманми, Олтиной опа? Сиз бўлса ўтирмагандаям, турмагандаям, дастурхон устидаям нуқул Гулистон дейсиз, оҳ чекасиз. Кўзингизга мўлтираб қараб турган фарзандларингизнинг ёзуғи нима? «Ўлган ўлди, унинг кетидан шаҳид бўлма, энди тирикларни ўйла» деган гапларни эшитганмисиз? Сизнинг оҳ-воҳларингиз болаларингиз юрагидаги озгина ёруғликни ҳам хиралаштириб қўяётганини, яшашга, тобора нафратлари ошиб бораётганини ўйлайсизми ҳеч! Бундай пайтда ҳато-ҳатони бошлаб келаверади. Нимага жим бўлиб қолдингиз Олтиной опа? Ўйлаяпсизми? Ўйланг, ҳамма-ҳаммасини яхшилаб ўйланг. Одам ўз виждони олдидагина адоқсиз ўйларга толиши мумкин. Етар, бас дейсизми? Йўқ, биз Гулистоннинг

2

данинг у ёғига қарамоқчи бўлганлар. Аммо парда баландлик қилган. Улар ана шундай иффат пардаси ортида бўйлари чўзила-чўзила, кунлардан бир кун худди шундай парда ичида бир-бирларини кўрганларким у — чимилдиқ деб аталган. Қаранг-а, қанчалар нафис, заргар ишидек бетакрор, чиройли удумларимиз. Оддийлиги, соддалиги, ҳаётийлигини айтмайсизми?

Ҳозирги мактабларимизда шундай қилиб бўладими? Қиз болаларга бир гап айтиш учун ўғил болаларни чиқиб турингглар, дейиш керак ёки аксинча. Бизга шунақа ноқулай мактаблар керакми? Ана шу ноқулайлик туфайли ёшлар бир-бирларини хоҳлаган кўчага судраяпти, хоҳлаган кўйга соляпти. Бунга ўзимиз йўл қўйиб, жабрниям ўзимиз тортяпмизку. Ўтмиш анъаналаримиздан нимага бунчалик тез юз ўгирдик. Улар минг йилларнинг меваси эдику, нимага қадрига етмадик? Улар бамисоли туғанмас Чашман Аюб эдику, нимага кўзларини беркитдик?

Бугун минглаб Гулистонлар нобуд бўлаётган бир пайтда, нимага ҳалиям ақлимизни йиғиб олмаяпмиз? Бир қарорга келмаяпмиз, ҳалиям қарахтмиз! Нима қилиш керак дейсизми? Мана Сиз бир йилдан бериги азадорсиз. Юрагингиздаги ўт ўчмаяпти. Қандоқ қилиб ўчсин, айтишгагина осон бу! Аммо айтингчи, шу ўтган ойлар орасида қайси онага «ҳой эгачи кўзингизни очинг, шошиб, мендек куйиб қолманг», деб айтдингиз. Қизингизнинг маъракаларида бундоқ йиғи-сиғидан ортиб, фожиа оқибатларини жиддийроқ ўйлаб кўрмадингларми? Бўйи чўзилиб келаётган қизларни ён-верингизга тўплаб: «турмуш қуриш нима дегани, оилачи, эрга тегиш тўй билан бошланадию, турмуш тўй эмас, ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу деган гаплар бор, аччиққа теккан оғзинг сабр қилсанг ширинга ҳам тегади» деб айтдингларми? Гулистоннинг ўлимини ўзларича жасорат, қаҳрамонлик деб билган, ҳайратга тушган ёшларнинг миясидан ситиб чиқаришга уриниб кўрдингларми? Йўқ, мен Сиз билан гаплашганда шунга ўхшаш хаттиҳарактларни пайқамадим. Бекорга Сиздан «худони биласизми» деб сўрамадим. Наҳотки Гулистоннинг ўлими маҳаллалардаги оналарга «қизларингиз, келинларингиздан ҳамиша огоҳ бўлинг!» деган бир ҳайқириқдек эшитилмади? Ё номаъқул гапларни айтяпманми, Олтиной опа? Сиз бўлса ўтирмагандаям, турмагандаям, дастурхон устидаям нуқул Гулистон дейсиз, оҳ чекасиз. Кўзингизга мўлтираб қараб турган фарзандларингизнинг ёзуғи нима? «Ўлган ўлди, унинг кетидан шаҳид бўлма, энди тирикларни ўйла» деган гапларни эшитганмисиз? Сизнинг оҳ-воҳларингиз болаларингиз юрагидаги озгина ёруғликни ҳам хиралаштириб қўяётганини, яшашга, тобора нафратлари ошиб бораётганини ўйлайсизми ҳеч! Бундай пайтда ҳато-ҳатони бошлаб келаверади. Нимага жим бўлиб қолдингиз Олтиной опа? Ўйлаяпсизми? Ўйланг, ҳамма-ҳаммасини яхшилаб ўйланг. Одам ўз виждони олдидагина адоқсиз ўйларга толиши мумкин. Етар, бас дейсизми? Йўқ, биз Гулистоннинг қотилини топмагунча бас қилолмаймиз. Энди виждон олдида жавоб бериш навбати Олмагулга келди. Бу ҳақиқат кўзгусига энди уни солиб кўрамиз.

Олмагул, Сиз нима иш қилиб қўйганингизни биласизми? Бундоқ кечаларни уйқунгиз ўчиб ўйлайсизми, киши билмас эзиласизми? Жонингизда озгина бўлсаям дардли бир сирқираш сезасизми? Хоҳлайсизми, йўқми калтакнинг бир учи сизга ҳам келиб тегади, Олмагул. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ногоҳон шамол туриб боғингиздаги бир туп ниҳолни йиқитиб кетса қанчалар жонингиз ачийди, тўғримми? Кўз олдингизда бир одамнинг умри қуридия. Гулистон ҳам бир уй болага ҳудди сиздек оналик, бекалик қиладиган аёл эди.

Уша куни иккковимизнинг гапимиз сираям қовушмади. Нимагадир, Сиз мендан ҳадиксирадингиз. Тошкентдай жойдан кептими, бир балони бошламаса гўргайди деб. Мен бўлсам ҳеч нарсани бошламоқчи, ҳеч нарсани кавлаштирмоқчи эмасдим. Гулистоннинг ўлимига билиб, билмай сababчи бўлиб қолган одамларни бир яқиндан кўрай деган эдим. Ахир орадан йил ўтди, ҳотиралар тиниқди, асаблар совуди, ҳеч бўлмаса энди армонлар юзага қалқиши мумкинмиди? Мумкин эди! Ундай бўлмади. Чунки Сиз ҳам бугунги куннинг одамисиз. Кўриб турибсизки, қасос олиш йўлида одамлар ҳамма нарсага тайёр. Таниш-билишиниям ишга солади, мол-дунёсиниям гаровга қўяди. Мана сиз нима учун ҳадиксираётган эдингиз.

Сиз гап орасида «Гулистон дим яхши эди», дедингизда йиғлаб юбордингиз. Бу шунчаки шайтон йиғиси эмас — рост йиғи эди. Ушанда Сизга меҳрим товланиб кетди. Ана энди Олмагул юрагини тегирмон тошидек эзиб ётган азобларни тўкиб соладиг, деб ўйладим. Йўқ, кўзингиздан ёш чиқдию, юрагингиздан дард чиқмади.

Ҳа, Гулистон «дим яхши қиз» бўлмаганда Сиз уни келин қилмас эдингиз. Гулистон ҳақида биринчи бўлиб укангизга Сиз гап очдингиз, хешларингизга ҳам Сиз мақтовини келтирдингиз. Гулистон ҳам бу ёруғ дунёда Аминбой деган йигит борлигини биринчи бўлиб сиздан эшитди. Ҳа, ёмон иш қилмадингиз. Бир ёш оила бамисоли ниҳолдек жамиятимиз заминига экилди. Аммо билмадингизки, ҳар қандай ниҳол ҳам дастлаб парваришталаб бўлишини. Сув керакми, озуқа, қуёш нуричи? Қишнинг совуғидан, ёзнинг иссиғидан асрашчи? Сиз боғбонлик қилмоқчи бўлдингиз, уддасидан чиқолмадингиз.

Сиз Гулистонни келин қилиб олар экансиз — ҳам она, ҳам опа бўлдингиз. Шу билан унинг бундан кейинги тақдирини кафилликка олдингиз. Кафиллликка олиш нималигини биласизми ўзи? Бир кишининг тақдирини кафилликка олиш ўз тақдирини товонга қўйиш билан баробар. Тақдирга тақдир билан жавоб бериш дегани. Буларни Сиз қанчалик ҳис қилдингиз? Ҳеч қанчалик ҳис қилмадингиз.

(Давоми бор).

3

ЁШ ИНСПЕКТОРЛАР

Пойтахтнинг Акмал Икромов ноҳиясидаги ёш техниклар станциясида ҳаракат инспекторлари мусобақаси бўлиб ўтди.

— Ноҳиямиздаги 29 та мактабнинг ёш ҳаракат инспекторлари ўзаро беллашган эдилар, — дейди биз билан суҳбатда ёш техниклар станцияси директори Равшан Иброҳимов. — Унда 4 мактаб вакиллари фахрий ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишганди. Бугун эса ғолиблар мусобақаси. Унда қайси мактаб командаси ўткир бўлса, мазкур коллектив шаҳар миқёсида бўладиган мусобақаларга йўлланма олади.

106-(«Эдельвейс»), 109-(«Умид»), 116-(«Зийрак»), 197-(«Чайка») мактабларнинг ёш ҳаракат инспекторлари ўзаро беллашуви қизғин ўтди. Улар йўл белгилари, пиёдалар ҳаракати, чорраҳада транспорт ҳаракати, велосипед ҳайдаш, биринчи медицина ёрдами кўрсатиш бўйича билимларини синовдан ўтказдилар.

Қизғин тортишувлар остида ўтган мусобақада 106-мактабнинг «Эдельвейс» командаси ғолибликни эгаллади. Команда капитани билим даргоҳининг 8-синф ўқувчиси Муаттар Тўхтабоева. Шунингдек, команданинг Гулчеҳра Мираҳмедова, акаука Алиевлар каби аъзолари ҳам беллашувда чуқур билимга эга эканликларини намоён этдилар.

— «Эдельвейс» командаси 3 йилдан бери шаҳар мусобақаларида ҳам ғолиб келмоқда, — деб сўзида давом этади директор. — 1989 йили Андижонда бўлиб ўтган ёш ҳаракат инспекторларининг жумҳурият слётида ҳам ғолиб, деб топилди. Новосибирск шаҳридаги Бутуниттифоқ ёш инспекторлари мусобақаси иштирокчиси.

●

СУРАТЛАРДА: ёш ҳаракат инспекторлари мусобақасидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН суратга олган.

Маданият янгиликлари

САРҲИСОБ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгаши навқирон шоир, ёзувчи ва танқидчининг ўтган йилда эълон қилинган асарлари муҳокамаси юзасидан ҳисобот йиғилиши ўтказди. Уни кенгаш раиси шоир О. Матжон олиб борди. Йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг правление котиби О. Ёқубов ҳозирги мураккаб ижтимоий вазият ва ёш ижодкорларнинг вазифалари ҳақида сўз юритди.

Танқидчи Яшар Қосимов ўтган йилда ёшлар шеъриятида намоён бўлган тенденциялар, услубий, шаклий ва мазмундаги ўзгаришларга эътибор қаратди. Илк тўпламлари нашр этилган А. Қутбиддин, А. Саид, Ҳ. Аҳмедова, Э. Шукур шеърларида бугунги ўзбек ёшлар шеъриятининг ўзига хослиги юз кўрсатишини таъкидлади.

Насрда ижод қилаётган ёшлар асарлари борасида танқидчи Раҳимбой Отаев сўзлади. А. Мамарасулов, М. Ражаб каби ёшлар ҳикояларининг самимияти, халқчиллиги кишига хуш келади, — деди у. — Бироқ айрим талантли ёзувчиларнинг асарлари савияси доимо ҳам кишини қониқтиравермайди. Тўғри, А. Қодирий, Ойбек, Чўлпон сингари ёзувчиларимиз асарлари савияси ҳам бир хил юксакликда эмас. Аммо, бунда уларга шароит, давр тўсқинлик қилганлигини унутмаслигимиз керак. Ҳозир имкониятлар кенг очилганлиги доимо юксак савиядаги асарлар ёзишга ундайди.

Йиғилишда адабиётда тасаввуф мавзусида мунозара қизғалди. Иброҳим Ҳаққулов, Нусратулла Жумаев, Мирзоаҳмад Олимов, Асқар Маҳкам, Муҳаммад Ризо каби танқидчи ва шоирлар бу борада ўз фикрларини билдирдилар.

Шоирлар И. Отамуродов ҳамда З. Мўминовалар дастлабки машқлари билан матбуотда кўриниб қолган Х. Рустамова, Қ. Норқобилов каби ёшларни кенгроқ қўллаб қувватлаш лозимлигини айтдилар.

Йиғилиш ниҳоясида Ёшлар билан ишлаш кенгаши масъул котиби А. Сулюн ва ёзувчи Саломат Муҳаммад Вафо жумҳурият ўқув даргоҳларида таълим олаётган ёш ижодкорлар орасидаги конкурс якунларини эълон қилишди.

МАЧИТ ҚАЙТАРИЛДИ

САМАРҚАНД вилоят ижроия қўмитасининг қарорига биноан «Панжоб» мачити диндорларга қайтарилди. У Самарқандниг «Панжоб» маҳалласида 1885 йилда қурилган бўлиб, диндорларга 1921 йилгача хизмат қилган эди. Кейинчалик у ер омборхона, ямоқчилик устахонасига айлантирилганди. Кейинги бир неча йил ичида художўй кишилар бу бинони ҳашар йўли билан ремонт қилиб, ҳовлисини обод этдилар.

Маҳаллий аҳолининг илтимосига биноан яна бир мачит — «Чорчинор» мачити Ургут шаҳрида очилди. Уни ҳам диндорлар ремонт қилдилар.

ТВ

28 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон 1918—1920 йилларда (рус тилида). 12.30 «Дубрава». Телефильм. 12.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон 1918—1920 йилларда.

* * *

17.00 «Кечки мактабда қўнғироқ». Телефильм. 17.30 «Иқтисодий билимлар мактаби». Тармоқлараро иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари ҳақида. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирайлик». 20.20 Шеърият дафтаридан. Қуронбой Матризаев. 20.30 «Ахборот» 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Киноэкран янгиликлари». Киноқўрсатув. 23.00 Телевизион миниатюралар театри. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Бор бўл, мусиқа!». 9.45 «Қуёшли шамол». Олти серияли бадиий фильм. 5-боб — «Надя ва Митянинг юбилейи». 11.00 «Босқичлар». 12.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Оҳанглар ва бўёқлар» (Сурия). 12.20 «Келинг, Лопасня бекати...». А. П. Чеховнинг Мелиховодаги уй-музейи ҳақида. 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қишлоқ ўқитувчиси». Телевизион ҳужжатли фильм. «Солдат ёдномалари» туркумидан. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Долзарб интервью. 19.40 «Хотиралар билан яшашимизга ҳали эрта». РСФСР халқ артисти Э. Пьеха ижоди ҳақида фильм-концерт (Ленинград). 20.25 «Биз ажабтовурларданмасмиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.35 Бутунроссия ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреати Валерий Зажигин чалади (балалайка). 20.45 «Схонбекеплейн майдонилик амалдорлар». Совет — Бельгия «Трансуорлд» компанияси ҳақида телеочрек. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». Пенсиялар ва отпускалар тўғрисидаги СССР қонунлари лойиҳасининг муҳокамаси. 23.15 «Қуёшли шамол». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-боб — «Ҳимоя». 00.25 Бизнинг мерос. Шахсий коллекциялардаги асарлардан тузилган кўргазма ҳақида.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Объективда — жониворлар. Илонлар». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11-синф. Иш юритиш ва ЭҲМ. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Мусиқа. 5-синф. 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.

* * *

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Виждон». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.30 «Рус опера санъати усталари. Иван Петров ҳаёти ва ролари». Фильм-концерт («Экран»). 15.40 «Қувноқ стартлар».

* * *

17.30 «Мартин Иден». Телеспектакль. 1-қисм. 18.30 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Кумуш тўй». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «60 параллель суратлари» (Свердловск шаҳри). 20.10 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 20.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз». 20.45 СССР Олий Совети сессияси.

ЕШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65
ИНДЕКС: 64607

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 01131. Д. — 23188.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.